

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Гулистон Давлат Университети

“Иқтисодиёт назарияси” кафедраси

Сариев Шерзод Абдунабиевичнинг

5340100-иқтисодиёт таълим йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун " Худуд иқтисодиёти тузилмасини такомиллаштиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тутган ўрни ва аҳамияти (Сирдарё вилояти иқтисодиёти мисолида) " мавзусидаги битирув малакавий иши

**Раҳбар: “Бек-Фарм-Нур” МЧЖ
бош бухгалтери Норбоев С.**

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Мустақилликка эришган ва ўз тараққиёт йўлини танлаган Ўзбекистон олдида иқтисодий ўзгаришларни фаоллаштиришнинг бошланғич шарт-шароитларини ва биринчи галдаги йўналишларини аниқ белгилаб олиш масаласи кўндаланг бўлди. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида-иқтисодиётимизнинг таркибий тузилишида туб ўзгаришларга асос солишдан иборат ғоят муҳим вазифани ҳал этиш керак бўлади. Бу– Республика учун стратегик аҳамиятга эгадир. Таркибий тузилишда чуқур ўзгаришларни амалга ошириш, макроиқтисодий барқарорликка эришишнинг, истиқболда Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодий ўсишининг ва аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг, жаҳон иқтисодий тизимига қўшилишнинг энг асосий шартларидан биридир.

Бизга издан чиққан, хом-ашё етиштиришга қаратилган, чуқур ҳудудий номутоносибликларга ҳамда асосан маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскирган ишлаб чиқариш базасига эга бўлган, ортиқча марказлаштирилган иқтисодиёт нақадар оғир аҳволда мерос қолганлигини ҳаммамиз биламиз. Шу сабабли илгариги чалкашликлардан узил-кесил халос бўлиш, чинакам мустақиллик ва иқтисодий эркинликларга эга бўлиш учун биз таркибий тузилишларни ўзгартириб, уларни қайта қуришимиз шарт бўлди.

Хом-ашё етиштиришга мўлжалланган иқтисодиётимизни бир томонламалигини қатъиян бартараф этиш, тармоқ тузилишини тубдан ўзгартириш, «умумиттифоқ миқёсида ихтисослаштириш» шиори остида ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва жойлаштиришда йўл қўйилган номутоносибликни тугатиш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш, маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини жаҳон бозори талаблари даражасига етказиш вазифаси қўйилди.

XXI асрда таркибий тузилиш сиёсати Ўзбекистоннинг тамомила янги иқтисодиёт мажмуасини бунёд этишга қаратилган. Бу мажмуа республиканинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллиги учун гаров бўлиб, республикамиз халқига муносиб турмуш шароитини яратиш бериши лозим эди.

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш босқичида мулкни давлат тасарруфидан чиқаришни жадаллаштириш ва кўп укладли иқтисодиётни яратиш муҳим вазифа ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А. Каримов алоҳида таъкидлаганидек, хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш иқтисодий ислохотлар иккинчи босқичининг устувор вазифаси ҳисобланади: **"Биз ўз олдимизга шундай вазифалар қўйганмиз — давлат мулкни хусусийлаштиришни яқунлаш, ҳақиқий мулкдорлар қатламини шакллантириш, уларни реал мулк эгаси қилиш, жамоат ишлаб чиқариши тузилишини тубдан ўзгартириб, нодавлат секторининг устувор вазиятни эгаллашига шароит яратиш"**¹.

Тармоқ тузилиши жиддий ўзгаришларга муҳтож. Қисқа муддатларда тубдан ўзгаришлар ясаш ғоят мураккаб ва бу нарса жуда катта сармоя талаб қилиши равшан. Аммо бугуннинг ўзидаёқ биз иқтисодиёт мажмуасининг йўналишини республика эҳтиёжларига, аҳоли талабларига қаратиш учун бутун куч-ғайратимизни сарфлашимиз лозим.

Республика истеъмол бозорини ўзимизда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат ва саноат моллари билан тўлдириш мақсадида иқтисодиётнинг ижтимоий йўналишини кучайтириш – таркибий ўзгаришларнинг устувор вазифасидир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳамда у билан боғлиқ барча нарсалар замонавий ижтимоий ишлаб чиқариш ташкилий тузилмасини муҳим ва таркибий қисмини ташкил қилади. Шунинг учун ҳам республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришда кичик бизнес ва

¹Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент. 1995 й. 217 б.

хусусий тадбиркорликка муҳим ўрин ажратилиб, уларга давлат томонидан жиддий мадад кўрсатилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш, саноатнинг илғор тармоқларида янги технологияларга ўтиш шароитида ўз ўрнини топиб бормоқда. Иқтисодиётнинг умумий тараққиётини таъминлаш ва товарлар, хизматлар етишмовчилигини бартараф этишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик катта ўрин тутади. Мазкур ҳолат ушбу мавзунини долзарблигини белгилаб беради.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Иқтисодий ислохотларнинг янги босқичида таркибий тузилиш сиёсатини ишлаб чиқишда, ўз ихтиёримиздаги ғоят бой табиий маъдан-хом-ашё, меҳнат ресурсларига мустаҳкам таянишни, улардан энг самарали фойдаланишни ҳисобга олиш зарур бўлди. Бу сиёсат натижасида ҳал этиладиган устувор вазифаларни танлаб олишга асосланилади.

Мазкур жараён кўплаб иқтисодчи олимларимиз М.Абдусаломов., А.А. Абдуғаниев, С.С.Ғуломов. Ш.Р.Ғофуров, Р.К.Каримов, П.Х.Носиров, Р.А.Убайдуллаева, О.Ў.Ўлмасов, О.Х.Ҳикматов, М.Ш.Шарифхўжаев асарларида илмий асосда кенг ёритиб берилган. Шунингдек, Президентимиз асарларида илмий-амалий жиҳатдан, ҳозирги кун нуқтаи назаридан таҳлил қилиб берилган.

Аммо, Сирдарё вилояти иқтисодиёти тузилмасини такомиллаштиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни ва аҳамияти, имкониятлари ва йўналишлари етарлича ўрганилмаган ва адабиётларда ёритилмаган. Шунинг учун ушбу муаммо тадқиқот мавзуси қилиб олинди.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Илмий тадқиқотнинг асосий мақсади ҳудуд иқтисодиёти тузилмасини такомиллаштиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тутган ўрни ва аҳамиятини ёритиш ҳамда

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг асосий йўналишларини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқот мақсадларига эришиш учун қуйидаги вазифаларни бажариш белгилаб олинди:

-Миллий иқтисодиёт тузилмаси ва ундаги чуқур ўзгаришларни амалга оширилишини ўрганиш;

-Миллий иқтисодиёт тузилмаси ва ундаги ўзгаришларни амалга оширилишида тадбиркорлик фаолиятини аҳамиятини ёритиш;

-Миллий иқтисодиёт тузилмаси ва унда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўналишларини таҳлил қилиш;

-Мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларининг давом эттирилишини ўрганиш;

-Бозор ислохотлари шароитида иқтисодиёт тузилмасини такомиллаштиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ўрнини ёритиш;

-Сирдарё вилояти иқтисодиёти тузилмасини такомиллаштиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни аҳамиятини ўрганиш;

-Истиқболда иқтисодиёт тузилмасини такомиллаштиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўналишларини белгилаш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Мазкур битирув малакавий ишининг тадқиқот объекти сифатида Сирдарё вилояти иқтисодиёти тузилмасини такомиллаштиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тутган ўрни ва аҳамияти олинди.

Миллий иқтисодиёт ва Сирдарё вилояти иқтисодиёти тузилмасини такомиллаштиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни авфзаллик жиҳатларини минтақавий иқтисодиёт, миллий иқтисодиёт фанлари доирасида ёритиб бериш билан белгиланади.

Тадқиқот усуллари ва услубиёти. Мазкур битирув малакавий ишни бажаришда МДХ ва республикамиздаги етакчи иқтисодчи олимлар

асарларидан, шунингдек, республика ҳукумати томонидан чиқарилган қарорлар ва қонунлар, республика ва вилоят статистика бошқармаси маълумотларидан фойдаланилди, шунинг билан бирга иқтисодий жараёнлар ва фаолиятларни ўрганиш ҳамда таҳлил қилишда комплексли, таркибий, вазиятли ёндошувлардан, кузатиш, статистик ва омилли таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгиликлари ва эришилган натижалар.

Битирув малакавий ишида илгари сурилган илмий янгиликлар ҳудуд иқтисодиёти тузилмасини такомиллаштиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тутган ўрни ва аҳамияти бозор шароитига тадбиқан ўрганилганлиги ҳамда илмий жиҳатдан асосланганлиги ҳисобланади. Шунингдек, тадқиқотда қуйидаги муаммолар ўз ечимини топган:

-Мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларининг давом эттирилиши илмий жиҳатдан ўрганилган;

-Бозор ислохотлари шароитида иқтисодиёт тузилмасини такомиллаштиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ўрни ёритиб берилган;

-Сирдарё вилояти иқтисодиёти тузилмасини такомиллаштиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни аҳамияти ўрганилган;

-Истиқболда иқтисодиёт тузилмасини такомиллаштиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўналишлари атрофлича белгилаб берилган.

Битирув малакавий ишнинг назарий ва амалий аҳамияти. Бозор иқтисодиёти шароитида миллий иқтисодиёт тармоқ тузилмасини такомиллаштиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни аҳамиятини ёритишда ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий иш таркиби ва ҳажми. Мазкур иш кириш, 2 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ва иловалардан иборат. Ушбу БМИ умумий ҳажми 77 бетдан иборат.

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, тадқиқот предмети, тадқиқот мақсад ва вазифалари, ўрганиш услуб ва услубиёти, тадқиқот объекти ва иш ҳажми ёритилган.

Биринчи-«Миллий иқтисодиёт тузилмасини такомиллаштиришнинг назарий асослари» да иқтисодиёт тузилмасида чуқур ўзгаришларни амалга оширилиши, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг мақсади ва вазифалари ва республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиши ёритилган.

Иккинчи-«Иқтисодиёт тузилмасини такомиллаштиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тутган ўрни ва аҳамияти» миллий иқтисодиёт ва Сирдарё вилоятида кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ривожланганлик даражаси таҳлили, ҳудуд иқтисодиёти тузилмасини такомиллаштиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни ва аҳамияти атрафлича баён этилган.

Хулосада ушбу ишни бажариш мобайнида якуний хулоса ва ишлаб чиқилган илмий-амалий тавсиялар берилган.

1 Боб. Миллий иқтисодиёт тузилмасини такомиллаштиришнинг назарий асослари

1.1. Миллий иқтисодиёт тузилмаси ва ундаги чуқур ўзгаришларни амалга оширилиши

Мустақилликка эришган ва ўз тараққиёт йўлини танлаган Ўзбекистон олдида иқтисодий ўзгаришларни фаоллаштиришнинг бошланғич шарт-шароитларини ва биринчи галдаги йўналишларини аниқ белгилаб олиш масаласи кўндаланг бўлди. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида-иқтисодиётимизнинг таркибий тузилишида туб ўзгаришларга асос солишдан иборат ғоят муҳим вазифани ҳал этиш керак бўлади. Бу– Республика учун стратегик аҳамиятга эгадир. Таркибий тузилишда чуқур ўзгаришларни амалга ошириш, макроиқтисодий барқарорликка эришишнинг, истиқболда Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодий ўсишининг ва аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг, жаҳон иқтисодий тизимига қўшилишнинг энг асосий шартларидан биридир.

Бизга издан чиққан, хом-ашё етиштиришга қаратилган, чуқур ҳудудий номутоносибликларга ҳамда асосан маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскирган ишлаб чиқариш базасига эга бўлган, ортиқча марказлаштирилган иқтисодиёт нақадар оғир аҳволда мерос қолганлигини ҳаммамиз биламиз. Шу сабабли илгариги чалкашликлардан узил-кесил халос бўлиш, чинакам мустақиллик ва иқтисодий эркинликларга эга бўлиш учун биз таркибий тузилишларни ўзгартириб, уларни қайта қуришимиз шарт бўлди[13].

Хом-ашё етиштиришга мўлжалланган иқтисодиётимизни бир томонламалигини қатъиян бартараф этиш, тармоқ тузилишини тубдан ўзгартириш, «умумиттифоқ миқёсида ихтисослаштириш» шиори остида ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва жойлаштиришда йўл

қўйилган номутоносибликни тугатиш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш, маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини жаҳон бозори талаблари даражасига етказиш вазифаси қўйилди.

XXI асрда таркибий тузилиш сиёсати Ўзбекистоннинг тамомила янги иқтисодиёт мажмуасини бунёд этишга қаратилган. Бу мажмуа республиканинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллиги учун гаров бўлиб, республикамиз халқига муносиб турмуш шароитини яратиш бериши лозим эди.

Бу мақсадга эришмоқ учун иқтисодиётимизнинг тармоқ ва ҳудудий тузилиши ишлаб чиқараётган маҳсулот таркибини экспорт ва импорт таркибини қайта қуриш талаб қилинди. Шунингдек, биринчи навбатда, энг муҳим макроиқтисодий ва такрор ишлаб чиқариш нисбатларини жиддий тарзда тартибга солиш зарур бўлди. Оқибат натижада биз ишлаб чиқариш манфаатларига ҳам аҳоли манфаатларига ҳам мос келадиган иқтисодиётни қайта тиклаш тузилмасида энг мақбул мутоносибликка эришмоғимиз лозим бўлди.

Тармоқ тузилиши жиддий ўзгаришларга муҳтож эди. Қисқа муддатларда тубдан ўзгаришлар ясаш ғоят мураккаб ва бу нарса жуда катта сармоя талаб қилиши равшан эди. Дастабки даврдаёқ биз иқтисодиёт мажмуасининг йўналишини республика эҳтиёжларига, аҳоли талабларига қаратиш учун бутун куч-ғайратимизни сарфлашимиз лозим бўлди. Бу йўналишда дастлабки қадамлар қўйилди. Бу соҳадаги ютуқларни мустаҳкамлаш ва янада ривожлантириш зарур.

Бозор ўзгаришларини унумли фаоллаштиришга қодир бўлган тадбирлар тизимини аниқроқ белгилаш учун Ўзбекистонда тадбиркорликни шакллантириш ва ривожлантириш хусусиятларини фарқлаш жуда муҳимдир. Буларнинг пайдо бўлишига қуйидагилар сабаб бўлади:

-собиқ социалистик мамлакатнинг ўзгариши билан боғлиқ, умумий муаммолар;

-собик иттифоқ республикасининг ўзгариш хусусиятлари;

-Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятлари[15].

Бундай фарқлашнинг зарурлигига сабаб, собик социалистик мамлакатларда муваффақиятли деб топилган усуллардан ҳам ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда фойдаланиш эҳтимоли борлигидир. Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб тузатиш киритилган бу усуллар фақат республикамизгагина хос масалаларни ҳал қилишга ёрдам берди.

Иқтисодий ислохотларнинг янги босқичида таркибий тузилиш сиёсатини ишлаб чиқишда, ўз ихтиёримиздаги ғоят бой табиий маъдан-хом-ашё, меҳнат ресурсларига мустаҳкам таянишни, улардан энг самарали фойдаланишни ҳисобга олиш зарур бўлди. Бу сиёсат натижасида ҳал этиладиган устувор вазифаларни танлаб олишга асосланилади. Иқтисодиёт тузилишидаги ўзгаришлар қуйидаги энг муҳим вазифаларни ҳал этиш билан боғлиқ бўлди:

Биринчидан, бошқа мамлакатлардан хом-ашё ресурслари энг муҳим турларининг, бутловчи маҳсулотларнинг ва озиқ-овқат маҳсулотларининг олиб келинишини қисқартириб, ана шу маҳсулотлар ўрнини босадиган корхоналарни ривожлантириш асосида республиканинг иқтисодий мустақиллигига эришиш;

Иккинчидан, ўзимизда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳисобига маҳсулотларнинг ва халқ истеъмоли молларининг ҳаётий муҳим турларига аҳолининг ва умуман иқтисодиётнинг талабларини қондириш;

Учинчидан, иқтисодиётнинг мутоносиб ва барқарор ишлашини таъминлаш;

Тўртинчидан, иқтисодиётнинг хом-ашё етиштиришга қаратилган бир томонлама йўналишини бартараф этиш, ғоят бой маъдан хом-ашё ресурслари ва қишлоқ хўжалик хом-ашёсини чуқурроқ, мукамалроқ

ишлашни ташкил этиш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг бутлик даражасини ва рақобатбардошлигини ошириш;

Бешинчидан, республиканинг экспорт имкониятларини кенгайтириш, ташқи иқтисодий алоқаларда тўлов балансининг ижобий бўлишига эришиш, олтин-валюта захирасини мустаҳкамлаш;

Олтинчидан, меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлаш, меҳнат қилишнинг янги технологияларга, халқнинг тарихий анъаналари ва удумларига мос келадиган соҳаларини барпо этиш;

Еттинчидан, тармоқлар ичидаги ва ҳудудий жиҳатдан вужудга келган номутоносбликларни бартараф этиш, республика ҳудудида ишлаб чиқарувчи кучларни жадал ривожлантириш ва оқилона жойлаштириш[16].

Мустақилликни дастлабки кунлариданоқ иқтисодиётимизни замонавий бозор талабларига мувофиқ тарзда самарали қайта қуриш учун биз қуйидаги саволларга аниқ жавоб беришимиз керак эди:

-Биз учун бугун иқтисодиётининг қайси йўналишлари, қайси тармоқлари ва ишлаб чиқаришлар устувор бўлиши керак, куч-ғайратларимиз, барча воситаларимиз ва ресурсларимиз қайси соҳаларни ривожлантиришга қаратилиши лозим;

-Ички ва ташқи бозорларда талаб қилинадиган маҳсулотларни қайси маблағлар, қандай манбалар ҳисобидан ишлаб чиқариш мумкин;

-Маҳсулотимизнинг рақобатбардошлигини қай тарихи таъминлаш мумкин.

Бу саволларга жавоблар бизга ижтимоий тараққиёт йўлини, ишлаб чиқаришга замонавий фан-техника ютуқларини, бошқарувнинг илғор шакллари ва усулларини кенг кўламда жорий қилиш, жаҳон иқтисодиёти тизимида дадил қадамлар билан кириб бориш ва унда муносиб ўринни эгаллаш учун йўл очиб берди.

Белгиланган вазифаларга биноан иқтисодиёт соҳасидаги ички силжишларнинг асосий йўналишлари – республиканинг энергетика ва озиқ-овқат мустақиллигини таъминловчи тармоқларни, бутун-бутун мажмуаларни жадал ривожлантириш бўлди. Шунингдек, жуда қисқа муддат ичида мавжуд маъдан хом-ашё ресурсларидан ва қишлоқ хўжалик хом-ашё ресурсларидан тайёр рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган ўзаро боғлиқ тармоқлар ва корхоналар имкониятини оширишдан иборат эди. Айни вақтда анъанавий иқтисосдаги ишлаб чиқаришлар ҳам замонавий технология ва ускуналар билан қайта таъминлаш асосида бир меъёрда ривожлантирилиши лозим бўлди.

Ислохотлар жараёнида иқтисодиётнинг такрор ишлаб чиқариш тузилмасини тубдан ўзгартириш керак бўлди. Биз такрор ишлаб чиқариш тузилмасини ўзгартирмасдан, ишлаб чиқариш харажатларини қисқартиришга ғоят жиддий эътибор бермасдан, маҳсулот тайёрлашга кетадиган материаллар миқдорини камайтиришга қатъият билан эришмасдан, ҳеч қачон тақчиллик балосидан қутула ололмас эдик.

Янги босқичда истеъмол билан жамғарма фондлари ўртасида энг мақбул мутоносибликни таъминлаш, умумиқтисодий барқарорлик ва янада ривожланиш вазифаларини ҳал этиш учун зарур шароит яратиш муҳим бўлди. Истеъмол фондининг энг мақбул даражасига эришиш – ички бозорда талаб ва таклиф ўртасида мутоносибликка эришишда, яъни чиқарилган пул миқдори билан унга сотиб олинadиган моллар салмоғи ўртасида тўғри нисбатни таъминлашда ғоят катта роль ўйнайди. Шу сабабли давлат энг муҳим макроиқтисодий такрор ишлаб чиқариш нисбатларини энг мақбул тарзда тартибга солиб туриш омилини тезроқ эгаллаб олиши даркор бўлди.

Тузилмавий сиёсатни амалга оширишда тармоқлар тузилишини қайта қуришга ва аввало, базавий тармоқларни жадал ривожлантириш

билан боғлиқ соҳаларни қайта қуришга алоҳида эътибор бериш керак бўлди. Республика ўз тараққиётида асосан ўз кучларига таянишга мажбур эканлигини ҳисобга олганда, ҳаётнинг ўзи ҳозир биринчи навбатда энг муҳим ўзак тармоқларни – нефть ва газ саноатини, энергетикани, олтин қазиб олиш ва рангли металлургиянинг бошқа тармоқларини, коммуникация ва инфратузилма тизимини ривожлантиришни талаб қилди. Ўзак тармоқларни ривожлантириш Ўзбекистон иқтисодий мустақиллигининг энг асосий шартидир.

Ўзбекистоннинг истиқболли самолётсозлик ва республика учун тамомила янги бўлган автомобилсозлик саноати, радиоэлектроника, электротехника соҳасининг ривожланишига боғлиқдир. Шунингдек нефть кимёси ҳамда енгил ва озиқ-овқат саноати учун ускуналар, қишлоқ учун кичик механизация воситалари ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳам муҳим. Буларнинг ҳаммаси жаҳон бозорига чиқиш омилларидир.

Тармоқ тузилмавий сиёсатининг ана шу ғоят муҳим йўналишларини ривожлантириш, бунинг учун тегишли сармояларни кидириб топиш – бундан буёнги иқтисодий ўсишнинг муҳим манбаидир. Давлат ана шу устувор йўналишларни қўллаб-қувватлаши зарур. Республикада бу соҳаларни ривожлантириб, такрор ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши ўзак бўладиган инфратузилманинг иқтисодий тараққиётини таъминлайди.

Тузилмавий сиёсатнинг энг муҳим устувор йўналишлари - қишлоқ хўжалигида ва умуман агросаноат мажмуида чуқур прогрессив силжишларга эришишдир. Бу силжишлар озиқ-овқат муаммосини тубдан ҳал қилишга, қишлоқ хўжалик хом-ашёсини чуқурроқ қайта ишлашга ва қишлоқларда кичик корхоналар барпо этишга, қишлоқнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришга, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини оширишга қаратилиши лозим[17].

Қишлоқ хўжалиги таркибини ўзгартириш сиёсати ҳудудлар ихтисослашуви шароитларига мувофиқ экин майдонлари таркибини энг мақбул ҳолга келтириш йўли билан амалга оширилади. Ўзак тармоқлар қаторига пахта билан бирга ғаллачилик ва картошқачиликни қўйиш керак. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши таркибини қайта қуриш Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик экинлари ва озиқ-овқат маҳсулотларининг энг муҳим турларини етиштиришни жадал ривожлантириш учун шароит яратди. Айни маҳалда республикани дон ва ем, маргарин маҳсулотлари, истеъмол спирти ва энг муҳим товарларнинг бошқа турларини импорт қилишдан ҳоли этиш имконини беради.

Қайта ишловчи тармоқларни техника билан тубдан қайта қурулантириш, уларни замонавий техника ва технология билан таъминлаш, сифатли ва рақобатбардош истеъмол моллари ишлаб чиқаришнинг тўла-тўқис, тугал технология занжирларини барпо этиш ғоят муҳим стратегик вазифадир. Қишлоқ хўжалик ресурсларининг энг муҳим турлари, пахта, пилла, каноп, мева ва сабзавот, узумнинг мукамал қайта ишланишини таъминлашга, енгил саноатнинг бу билан боғлиқ тармоқларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилади. Республикада етиштириладиган пахта толасининг 28-30 фоизини қайта ишлашга эришиш вазифаси қўйилмоқда. Туршак, майиз, мева қоқи, сабзавот қоқи тайёрлашни анча кўпайтириш мўлжалланмоқда. Болалар таоми ишлаб чиқаришни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш зарур.

Янги қайта ишловчи қувватларнинг барпо этилиши кўп меҳнат талаб қиладиган ип йигириш, тўқиш ва пардозлаш тармоқларини, трикотаж, тўқимачилик саноатини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар хилини кенгайтириш учун кенг имкониятлар яратади. Биз хом-ашё,

арзон ярим фабрикатларни эмас, балки ҳамманинг дидига ёқадиган замонавий тайёр маҳсулотларини сотишни ўрганмоғимиз зарур.

Ислохотларни чуқурлаштиришда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири–ернинг унумдорлигини оширишдир. Шу сабабли қишлоқда сармояни асосан ерларни таъмирлашга, янги суғориладиган ерларни ўзлаштиришга, уларнинг агрокимёвий ва мелиоратив ҳолатини яхшилашга, ирригация, коллектор-дренаж шахобчаларини ривожлантиришга қаратиш лозим бўлди. Инвестицияларни ҳам биринчи навбатда қишлоқ жойларга йўллаш зарур. Ерларимиз унумдор бўлса, уларда мўл ҳосил етиштирилса, ана шу ерларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаш, қишлоқ хўжалик хом-ашёсини қайта ишлаш билан шуғулланиш учун чет эл сармоялари ҳам келаверади.

Ўтиш даврида иқтисодиётини барқарорлаштириш ва жадал ривожлантириш муаммосини ҳал этишда ишлаб чиқариш инфратузилмасининг муҳандислик коммуникациялари, транспорт ва алоқа тизими сингари тармоқларини устувор ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади. Коммуникациялар тизими ҳақида гапирганда, Ўзбекистон географик мавқеининг ўзига хослиги, портларга ва энг катта транспорт узелларига чиқиш йўлининг йўқлиги туфайли транспорт тармоқлари ва коммуникацияларни ривожлантириш масалалари устувор, стратегик, ҳаётий муҳим аҳамият касб этишини таъкидламоқ зарур.

Республика истеъмол бозорини ўзимизда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат ва саноат моллари билан тўлдириш мақсадида иқтисодиётнинг ижтимоий йўналишини кучайтириш – таркибий ўзгаришларнинг устувор вазифасидир. Меҳнат кўп талаб қилинадиган ва хизмат кўрсатиш соҳалари, қишлоқ жойларда кичик корхоналар ташкил этилса ва тез ривожлантирилса, тадбиркорлик рағбатлантирилса, ҳунармандчилик-косибчилик ва халқ бадий устачилиги қайта тикланса, республика учун

ғоят муҳим муаммо ҳал этилади, яъни меҳнат ресурслари юксак даражада ўсиши билан иш жойлари мавжудлиги ўртасидаги мутоносиблик таъминланади. Айни маҳалда ҳамманинг дидига ёқадиган истеъмол моллари ва хизматлар кўлами ва турини анча кенгайтириш учун имкон яратилади.

Ноишлаб чиқариш соҳасидаги таркибий сиёсат соғлиқни сақлаш, халқ таълими ва маданиятнинг моддий базасини мустаҳкамлаш, шаҳарлар, шаҳарчалар ва қишлоқларда турмуш фаровонлиги даражасини ошириш, уларни газлаштириш ва сув таъминотини, айниқса, қишлоқ жойларда яхшилаш вазифасини ҳал этишга бўйсундирилиши лозим.

Таркибий сиёсатини амалга оширишда унинг ҳудудий жиҳати ҳам муҳимдир, чунки иқтисодий унча ривожланмаган минтақаларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, ишлаб чиқарувчи кучларни энг мақбул тарзда жойлаштириш йўли билангина уларга қўшимча сармоялар жалб қилиш имкони яратилади. Шундагина одамлар турмуш даражасида вужудга келган ҳудудий номутоносибликларни бартараф этиш, ресурслар ва ишлаб чиқариш имкониятларидан ҳар томонлама ва самарали фойдаланишни таъминлаш мумкин[20].

Иқтисодиёт таркибининг қайта қурилиши фаол инвестиция сиёсатини ўтказиш билан чамбарчас боғлиқдир. Инвестиция базасини ривожлантириш ва чуқурлаштириш – ислохотлар стратегисининг жуда муҳим шартидир. Иқтисодиёт тузилиши қайта қурилишининг белгиланган йўналишлари, экспорт имкониятининг кенгайтирилишига бақувват инвестиция сиёсатини ўтказиш йўли билангина эришиш мумкин. Бунинг учун ўз сармояларимизни ҳам, ташқи кредитларни ҳам, бевосита инвестициялар ва уларнинг барча манбаларини ҳам ишга солиш зарур.

Иқтисодий ислохотларнинг чуқурлаштириш жараёнида давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири – ишлаб чиқаришга ва бошқа тадбирларга сармоя сарфлаш мақсадларига қаратилган маблағлардан солиқ ундиришнинг имтиёзли, рағбатлантирувчи тизимини жорий этиш ҳисобига корхоналар ва аҳоли инвестиция фаолиятини рағбатлантиришнинг бақувват механизминини вужудга келтиришдан иборат. Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини шакллантириш борасида муайян муваффақиятларга эришилди. Албатда бизга маълумки, миллий иқтисодиёт тузилмаси ва ундаги чуқур ўзгаришларни амалга оширилиши бевосита ва билвосита кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қанчалик ривожланганлиги билан белгиланади. Мазкур жараён мустақилликни дастлабки кунлариданоқ асосий стратегик вазифа сифатида қабул қилинган. Бу учун барча имкониятлар ва етарли шароитлар яратилиши учун ҳаракат қилинди. Қуйидаги бандда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантирилиши ва унинг миллий иқтисодиёт тузилмаси, ундаги чуқур ўзгаришларни амалга оширилишига таъсири кўриб чиқилади.

1.2. Миллий иқтисодиёт тузилмаси ва ундаги ўзгаришларни амалга оширилишида тадбиркорлик фаолиятини аҳамияти

Ўзбекистон бозорга ўтишни босқичма-босқич ва изчил амалга оширмоқда. Мустақиллик йилларида, ислохотларнинг биринчи босқичидаёқ кўп укладли иқтисодиётни шакллантиришда, иқтисодиётни бошқаришнинг ташкилий тузилмасида йирик ўзгаришлар юз берди, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни фаол олиб борилди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратилди, бозор инфратузилмасининг асосий муассасалари шакллантирилди. Бунинг асосида Миллий иқтисодиёт тузилмаси ва ундаги чуқур

Ўзгаришларни амалга оширилишида тадбиркорлик фаолиятини аҳамияти оширилди.

Ушбу доирада қарайдиган бўлсак, Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятларига қуйидагиларни киритиш лозим:

-савдонинг (шу жумладан, ҳудудлараро ташишларнинг) анъанавий юқори мақомдалиги, бу хусусиятни жамоатчилик Буюк ипак йўлидан бошланган тарихий анъана сифатида идрок қилади;

-қонунга риоя қилишлик ва менталитетимизга хос анъаналар;

-ҳудудий-жамоа (маҳалла) кадриятларнинг ва жамоатчилик, ўзаро кўмак ҳамда хашар анъаналарининг сақланиши;

-халқнинг анъанавий меҳнатсеварлиги ва кенг халқ оммасининг ғарб истеъмол андозаларига ружу қўймаслиги[21].

Бу хусусиятларнинг барчаси хусусий мулкчиликнинг жамоат шакллари ривожланиши учун қулай шароит яратиб, кенг маънода хусусийлаштириш учун мустаҳкам замин таъминлайди. Ишлаб чиқилган иқтисодий ривожланиш стратегиясига мувофиқ бозор тузилмаларини шакллантириш, муассасавий ва таркибий ўзгартиришлар учун барқарор негиз яратиш, етук бозор муносабатларини ўрнатиш жараёнларини маромига етказиш лозим.

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш босқичида мулкни давлат тасарруфидан чиқаришни жадаллаштириш ва кўп укладли иқтисодиётни яратиш муҳим вазифа ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А. Каримов алоҳида таъкидлаганидек, хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш иқтисодий ислоҳотлар иккинчи босқичининг устувор вазифаси ҳисобланади: **"Биз ўз олдимизга шундай вазифалар қўйганмиз — давлат мулкни хусусийлаштиришни яқунлаш, ҳақиқий мулкдорлар қатламини шакллантириш, уларни реал мулк эгаси қилиш,**

жамоат ишлаб чиқариши тузилишини тубдан ўзгартириб, нодавлат секторининг устувор вазиятни эгаллашига шароит яратиш"².

Давлат тасарруфидан чиқариш жараёнларини чуқурлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришда ҳудудий бошқарув органларининг роли анча ошади. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича ўтказилаётган барча ишлар залворини умумреспублика даражасидан ҳудудий ва тармоқ даражасига босқичма-босқич ўтказиш, ҳудудларда тегишли дастурларни амалга оширишда ҳудудий органларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш, мақомини ва масъулиятини ошириш вазифаси биринчи навбатдаги вазифага айлантирилади. Шу тариқа хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш жараёнларида уларни амалга ошириш усуллари ва тамойилларини тубдан ўзгартириш кўзда тутилади. Бозор ислохотларининг барча ижтимоий-иқтисодий оқибатлари аниқ ҳудудий тузилмаларда яхлит намоён бўлади.

Шунинг учун институтционал ўзгаришларнинг унумлилиги ва самарадорлиги кўп жиҳатдан ҳудудларда ислохотларнинг бориши, хусусан, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг жадаллиги ҳамда жойларда уларни бошқариш даражаси билан белгиланади.

Ҳудудий миқёсда кўп укладли иқтисодиётнинг шаклланиши ва ривожланишини баҳолаш шуни кўрсатдики, ҳудудий даражада ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш босқичида уларни ямалга оширишда ҳам ҳали анча хатолар камчиликлар мавжуд. Уларда маҳаллий шарт-шароитлар ва хусусиятлар жуда кам ҳисобга олинган. Аниқ тадбирларни ишлаб чиқиш, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг илғор шакллари ва усулларини татбиқ қилишнинг услубий ва методик негизининг бўшлиги жиддий таъсир қилмоқда.

²Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент. 1995 й. 217 б.

Вилоятлар ва ҳудудлар даражисида янги тузилган бозор тузилмаларини мувофиқлаштириш ва бошқариш йўлга қўйилган, истиқбол учун аниқ ишлаб чиқилган мақсадли дастурлар, уларни амалга ошириш усуллари ва механизмлари йўқ, хусусий мулкчиликни, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга ва ижтимоий инфратузилмани бошқаришга етарлича аҳамият берилмайди.

Шу муносабат билан иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш босқичида ҳудудларда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш ва рағбатлантириш жараёнларини ҳудудийлаштириш муаммолари алоҳида назарий ва амалий аҳамият касб этади, жуда долзарб ҳисобланади ҳамда чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб чиқишни талаб қилади.

Ўзбекистонда кенг кўламда бозор ўзгаришларини амалга ошириш жараёнида мулкдор шахслар доираси кенгайиб бормоқда. Мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, «...ўтказилаётган ислоҳотларнинг асосий, энг катта мақсади, устувор йўналиши Ўзбекистонда ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантиришдан иборатдир. Бизнинг қабул қилган барча фармону қарорларимиз, қонунларимиз, ҳамма ишимиз ана шу мақсадга қаратилгандир. Бу вазифаларни ҳал этмасдан кутилган натижага, ҳаётимизда, иқтисодиётимизда исталган ўзгаришларга эришиб бўлмайди».³ Бозор ислоҳотларининг ҳозирги босқичидаги ғоят муҳим вазифа, энг аввало, ишлаб чиқариш соҳасидаги давлат корхоналарини хусусийлаштириш ва улар негизида вужудга келаётган тадбиркорлик тузилмаларини аниқ мақсад билан қўллаб-қувватлаш орқали мулкдорлар синфини шакллантиришдан иборатдир.

Мулкдорлар синфини шакллантиришнинг асосий йўлларида бири – **бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни** ривожини таъминлаш катта аҳамиятга эга. Бу эса кенг аҳоли оммасини мулкка эгалик қилишга жалб

³ Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. «Ўзбекистон», 1997 йил 5 том, 335-бет.

этишнинг энг самарали воситасидир. Бироқ, бу жараён мураккаб, кўп қиррали бўлиб, у бозор иқтисодиёти субъектларининг манфаатларига дахлдордир.

Ижтимоий йуналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш даврига Ўзбекистон Республикаси **Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, “...қишлоқ жойларида ихчам ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этиш, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш ҳисобига аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш сиёсатини фаол амалга оширмоқчимиз».** Мамлакатимизда бу сиёсатни амалга оширишда асосан тадбиркорликни ривожлантиришни тақозо этади.

Тадбиркорлик бозор иқтисодиетига хос иқтисодий фаолиятдир. Бошқача айтганда, у муайян ижтимоий-иқтисодий натижага эришиш мақсадида товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва айирбошлашни ташкил этиш бўйича мулкдорларнинг ёки улар вакилларининг онгли ва мақсадли иқтисодий фаолиятидир.

Ҳозирда тадбиркорликни ривожлантириш, кичик ва хусусий тадбиркорлик соҳасига хорижий сармояларни олиб кириш учун микрофирмалар, кичик корхоналар ва ўрта корхоналар ташкил этилиб, мақбул шароитлар яратилмоқда.

Товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга шахсий ва бошқа шахсларнинг жалб қилинган мулклари асосида шахсий меҳнати ва ёллаш бўйича меҳнатни қўллаш воситасида таваккалчилик ва мулкий жавобгарлик остида фойда (даромад) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар хусусий тадбиркорликнинг субъектлари бўлади.

Юридик шахсни ташкил қилмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар ҳам кичик ва хусусий тадбиркорликнинг субъектлари бўлади. Кичик корхоналар қуйидагича ташкил қилинишлари мумкин:

- фуқаролар, оила аъзолари ва бошқа шахслар томонидан;
- давлат, ижара, жамоа, қўшма корхоналар, ҳиссадорлик жамиятлари, хўжалик ассоциациялари ва бошқалар томонидан;
- жамоат ташкилотлари томонидан;
- санаб ўтилган идораларнинг ҳамкорлиги асосида;
- мулк эгасининг розилиги билан жамоа ташаббуси бўйича амалдаги корхоналар таркибидан ажралиб чиқиш натижасида.

Кичик корхоналар аввало халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш ва маиший хизматлар кўрсатиш учун ташкил қилинади. Аммо улар иқтисодиётнинг ҳар қандай соҳаларида ташкил қилиниши, мулкчиликнинг ҳар қандай шакллари асосида ҳаракат қилиши мумкин. Бир ёки бир неча юридик ва жисмоний шахслар кичик корхоналарнинг таъсисчилари бўлишлари мумкин.

Кичик бизнеснинг мезонларини белгилаш зарурияти кичик корхоналарнинг давлатнинг жиддий ёрдамига муҳтожлигидан келиб чиқади, бу ёрдам адресли бўлиши ва корхоналар фаолиятининг белгиланган томонларини яхшилашга йўналтирилиши керак. Кичик ва ўрта корхоналарни алоҳида категорияларга ажратиш улар фаолиятини ўрганиш ва самрадорлиги даражасини таҳлил қилиш, уларнинг иқтисодиёт умумий тизимидаги ўрни ва ролини аниқлаш учун зарурдир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши билан янги иш ўринлари яратилмоқда ва аҳоли меҳнат билан банд бўлиб, даромадларини ошириб бормоқда.

Республиканинг деярли барча туманлари, вилоятлари ва шаҳарларидаги **демографик омил** тадбиркорликни жадал ривожланишига ёрдам беради. Қишлоқ жойларда катта меҳнат ресурслари мавжуд. Ҳисоб-китобларга қаранганда, республикани қишлоқ туманларида ортиқча иш кучи анчагина. Тадбиркорлик тузилмаларининг янада ривожланишига минтақалардаги ҳозирги шаҳар ва қишлоқ аҳолиси нисбати ҳам жиддий таъсир кўрсатади. Статистларнинг ҳисобларига кўра, қишлоқ жойларида энг

кўп потенциал иш кучи Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Андижон, Фарғона ва Тошкент вилоятларида тўпланган, шу боис бу жойларда кичик корхоналарни биринчи навбатда барпо этиш зарур.

Жаҳон тажрибасига таянган ҳолда Ўзбекистонда қуйидаги йўналишларда махсус иқтисодий ва тадбиркорлик зоналарини ташкил этиш энг истиқболли иш ҳисобланади:

-Жаҳон бозорига чиқишнинг реал имкониятларига эга бўлган корхоналар баъзасида илмий техника зоналари (технополислар), Тошкент шаҳрида бундай зоналар «Фотон», «Ўзэлектроаппарат» илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Совпластитал» қўшма корхонаси ва бошқалар баъзасида ташкил этилиши мумкин;

-Худудий агросаноат зоналари Хоразм, Андижон, Тошкент, Самарқанд вилоятлари худудларида;

-курорт-рекреацион зоналар, биринчи навбатда Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида, Жиззах вилоятининг Зомин туманида ва бошқа жойларда;

-консигнация омборхоналари бўлган, божлари олинмайдиган эркин божхона зоналари, Тошкент ва Сирдарё вилоятларида ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлаган бундай зоналар экспорт-импорт товарларини сақлаш, саралаш ва ўраб жойлаш ишларининг таннархи паст булиши туфайли хорижий юк ташиш товар оборотини жиддий кўпайтириш имконини беради;

-йирик саноат корхоналари, илмий ва ўқув мажмуалари худудларида илмий-технологик парклар ва технологик инкубаторлар ;

-республика пойтахтида ва вилоятларнинг марказий шаҳарларида тадбиркорлик зоналари.

Республиканинг айрим минтақаларида тадбиркорликни шакллантириш ва ривожлантириш шарт-шароитларини, уларни ўзига хос томонларини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқиш зарур. Аҳоли ва меҳнат ресурслари, меҳнат бозори кенг имкониятлари тезкорлик билан ўсиб бораётган шароитда

минтақавий хусусийлаштириш сиёсати салбий ижтимоий оқибатларни юмшатишга, ходимлар оммавий равишда ишдан бўшатилишига ҳамда ишсизлик даражаси кескин ортишига йўл қўймасликка, иш ўринлари сонини кўпайтириш тадбирлари мажмуини ишлаб чиқишга қаратилиши лозим. Айниқса, қишлоқ жойларда аҳоли сони ўсишининг юксак суръатлари, иш кучининг мўллиги Ўзбекистон барча минтақаларига хос хусусиятдир. Қишлоқ аҳолисининг меҳнат билан бандлигини таъминлашнинг асосий йўналиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантиришдан иборат. Буларнинг ҳаммаси қишлоқ хўжалигидан ташқари меҳнатни сарфлаш соҳасини кенгайтириш ҳамда ҳар бир қишлоқ меҳнатчиси меҳнат фаолият тури ва шаклини эркин равишда танлаши учун, умуман олганда—шаклланаётган кўп укладли иқтисодиёт шароитида иш билан бандлик соҳасида бозор муносабатларини ривожлантириш учун объектив замин яратади.

Ҳар бир ҳудуднинг ўзига хослиги ва хусусиятларини тавсифловчи, юқорида кўриб чиқилган энг муҳим омиллар ҳам республикада, ҳам ҳар бир ҳудудда иқтисодий ислохотлар жараёни ва самарадорлигига турли хил йўналишда таъсир ўтказмоқда. Бу таъсир ижобий ва салбий бўлиши, бозор муносабатларини тезлаштириши ёки секинлаштириши мумкин.

Қишлоқ хўжалигида кечаётган ислохотларнинг муваффақияти жамиятимизда олиб борилаётган туб ижтимоий–иқтисодий ислохотлар ютуғини белгилаб беради. Бугунги кунда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган хўжалик субъектлари орасида фермер хўжалиги, деҳқон хўжалиги каби хўжалик юритиш шаклларига истиқболли йўналиш сифатида қаралмоқда.

Бугунги кунга келиб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари мамлакатимиз иқтисодиётининг барча жабҳаларида, машинасозлик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда, халқ истеъмоли

молларини, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ҳамда бошқа соҳаларда фаолият кўрсатмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик республикаимиз иқтисодиётини ривожлантиришдаги аҳамияти қуйидагилар билан тавсифланади:

-Биринчидан, хусусий тадбиркорлик бозор иқтисодиёти шароитида зарур тезкорликни таъминлаб, ишлаб чиқаришдаги чуқур ихтисослашув ва тармоқлашган кооперацияни яратади, буларсиз юксак самарадорликни таъминлаб бўлмайди;

-Иккинчидан, у кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бозор учун зарур бўлган рақобатчилик муҳитини яратади ҳамда ўзгариб турадиган бозор талабига мослаб тезда ишлаб чиқариш турини ўзгартириб олиш қобилиятига эга эканлиги билан ажралиб туради;

-Учинчидан, истеъмолчилик соҳасида юзага келадиган бўшлиқни тезда тўлдиришга қодир бўлиб, энг замонавий машина ускуналари ва технологиядан фойдаланиб сарфланган сармоянинг ўрнини жуда тез қоплай олади;

-Тўртинчидан, у шундан тадбиркорлик муҳитини яратадики, ишлаб чиқарувчиларнинг шахсий манфаатдорлиги асосида қурилган бирорта ҳам бозор иқтисодиёти субъектлари буларсиз ривожлана олмайди.

Иқтисодиётнинг умумий тараққиётини таъминлаш ва товарлар, хизматлар етишмовчилигини бартараф этишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик катта ўрин тутаяди. Меҳнат ресурслари тез ўсаётган ва ишлаб чиқариш жойлашувидаги ўзига хослик шароитларида Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тизимини вужудга келтириш қуйидаги имкониятларни яратади:

-Эркин меҳнат ресурсларининг, янги хўжалик муносабатларининг жорий этилиши, янги мулкчилик шаклларининг пайдо бўлиши натижасида ишлаб чиқаришда бўшатиладиган шахсларнинг ижтимоий ишлаб

чиқаришга кўпроқ жалб этиш, мулкчиликнинг янги шакллари пайдо бўлиши;

-Аҳолининг, биринчи навбатда ёшларнинг, моддий, маънавий ва касб даражасини кўтариш;

-Аҳолининг сушт ҳаракатчанлигини ҳисобга олган ҳолда саноат ишлаб чиқаришини аҳоли яшайдиган жойларга яқинлаштириш ҳамда аҳолининг халқ истеъмоли молларига бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш;

-Миллий ва бадий ҳунармандчиликни тиклаш, шунингдек, кичик ва ўрта шаҳарларни, қишлоқ аҳоли пунктларини ривожлантиришга ёрдам кўрсатиш, умуман, ҳар бир минтақа учун ғоят муҳим бўлган иқтисодиёт самарадорлигини ошириш.

Иқтисодиётни ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ижобий аҳамиятини эътироф этган ҳолда, унинг аҳамиятини ортиқча баҳолаб юбориш ҳам тўғри эмас. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фақат муайян доирадагина фаоллик кўрсата олади, шу сабабли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун керакли шароит яратиш зарур.

Мавжуд муаммоларни ҳисобга оладиган бўлсак, тармоқ тузилиши жиддий ўзгаришларга муҳтож. Қисқа муддатларда тубдан ўзгаришлар ясаш ғоят мураккаб ва бу нарса жуда катта сармоя талаб қилиши равшан. Аммо бугуннинг ўзидаёқ биз иқтисодиёт мажмуасининг йўналишини республика эҳтиёжларига, аҳоли талабларига қаратиш учун бутун куч-ғайратимизни сарфлашимиз лозим. Бу йўналишда ҳозирданок дастлабки қадамлар қўйилди. Бу соҳадаги ютуқларни мустаҳкамлаш ва янада ривожлантириш зарур. Бозор иқтисодиётида давлат томонидан кўрсатиладиган чоралар ижтимоий ҳимоя, атрофдаги муҳит муҳофазаси, инсон қадрини, демократияни ҳимоя қилиш ва бошқаларга қаратилган бўлиши мумкин. Тадбиркорликнинг муҳим томони унинг фаолиятини бошқариб боришдир. Тадбиркорликни бошқариш моҳият

этибори билан олганда мақсадга эришиш йўлида қилинадиган ҳатти-ҳаракатларни жонлантириш учун бир шахс ёки шахслар гуруҳи томонидан бошқа шахсга таъсир ўтказишдан иборат. Шахсий таваккалчилик, молиявий имкониятга бўлган муносабат, дам олмасдан қаттиқ меҳнат қилиш каби хусусиятларга эга бўлган тадбиркор йириклашиб бораётган корхонани бошқариб кетади, деган гап эмас. Бу фикрга кўра, бир томондан тадбиркорлик фаолиятининг мазмуни бошқариш фаолиятдан кенгроқ бўлса, бошқа томондан ҳар бир тадбиркор ҳам менежмент функцияларини бажара олмайди.

1.3. Миллий иқтисодиёт тузилмаси ва унда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўналишлари

Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этишнинг асосий мақсадларидан бири мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик шакллари устувор ривожлантиришдан иборат. Бу мақсадни амалга ошириш учун иқтисодий ислохотлар ўтказилди, унинг ролини ошириш учун йирик институционал асослар яратилди. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва уни кафолатловчи ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, тадбиркорларга кўмаклашувчи нодавлат ташкилотлар, корхоналар шулар жумласига киради. Ўзбекистонда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес корхоналари мажмуини ташкил этиш муваффақиятли бормоқда.

Кичик бизнес фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар давлатга боғлиқ бўлмаган ҳолда, яъни катта капитал маблағларсиз ўзлари иш жойларини жорий этишлари, ҳозирги даврда бизда вақтинчалик мавжуд бўлган товарлар танқислигини камайтиришлари ва ҳаттоки, бу танқисликни бутунлай йўқотишлари мумкин. Ҳозирги жамиятимизда кичик корхоналар фаолиятини айрим кишиларнинг эҳтиёжларини қондириш сари йўналтириш зарур. Бу нарса маиший хизмат кўрсатиш

ҳамда халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш соҳаларида яққол кўринмоқда. Кичик корхоналар технология янгиликларини жорий этишда ҳам ғоят катта аҳамиятга эга.

Бизнинг республикамизда кичик корхоналар сони ва улар ишлаб чиқарган маҳсулотлар ҳажми йилдан йилга ошиб бормоқда. Кичик корхоналар Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар тўғрисида», «Мулк тўғрисида», «Эркин тадбиркорлик фаолияти кафолатлари тўғрисида»ги каби қонунлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида ташкил этилмоқда.

Кичик корхоналар илмий-техника тараққиёти шароитида саноатнинг етакчи соҳаларини янги технологияларга ўтишда тобора ўз ўрнини топиб бормоқда. Улар янги фикрлар ва ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, янги ахборот технологияларини жорий қилиш билан иш жараёнини таъминловчи бутун тизимни асосий боғловчилик сифатини ўзларида намоён этмоқдалар. Экспертларнинг ҳисоб-китобларича, XX асрда Америка ва Ғарбий Европа давлатларида яратилган ихтиро ва кашфиётларнинг 79,0% и кичик фирмаларга тегишли.

Бугунги кунга келиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари мамлакатимиз иқтисодиётининг барча жабҳаларида, машинасозлик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда, халқ истеъмоли молларини, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ҳамда бошқа соҳаларда фаолият кўрсатмоқда.

Кичик корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулот давлат корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан сифати жиҳатидан қолишмаслиги ва, ҳатто, айрим ҳолларда улардан юқори туриши билан ажралиб туради. Республикамиздаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг 60-70 фоизи бевосита ишлаб чиқариш билан узвий

боғланган, улар фермерлар, деҳқонлар, саноатчилар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчилар ва ҳоказолардир.

Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни жадал ривожлантириш асосида мулкдорлар синфини шакллантириш, тегишли институтлар тизимини ташкил этиш, кичик ва хусусий тадбиркорлик фаолияти соҳасига кредит ресурсларини кенг жалб қилиш ва хорижий сармоялар олиб кириш учун мақбул шароит яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 30 августда ПФ-3305-сонли Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармонға асосан «ўрта корхоналар» тушунчаси бекор қилинди ва 2004 йил 1 январдан бошлаб қуйидагилар кичик бизнес субъектлари ҳисобланади:

-якка тартибдаги тадбиркорлар;

-ишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони 20 кишидан, хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган тармоқларда 10 кишидан, улгуржи, чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 5 кишидан ошмаган микрофирмалар.

Қуйидаги тармоқларда банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони:

-енгил ва озиқ-овқат саноти, металлға ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочни қайта ишлаш ва мебель саноати ҳамда қурилиш материаллари саноатида – 100 кишидан;

-машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, қурилиш ва бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаларида – 50 кишидан;

-фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш

соҳалари (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланниш ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларида – 25 кишидан ошмаган кичик корхоналар.

Кичик корхоналар йирик компанияларга нисбатан бозор шароитига тез мослашадилар ҳамда ишлаб чиқарган маҳсулотларини бозорда муваффақиятли ўтишини таъминлашда бир қанча устунликларга эга. Чунки, кичик корхоналар ўз фаолиятларини тор ишлаб чиқариш дастурларига, илғор технологияга, кам туркумли илм-фан талаб қиладиган маҳсулотлар чиқаришга тезда мослайдилар ҳамда бозор асосларини тез ўзлаштириб борадилар.

Мулкчилик шаклларига кўра кичик корхоналарнинг қуйидаги турларини ажратиш мумкин:

- Давлат мулкига асосланган кичик корхоналар;
- Жамоа мулкига асосланган кичик корхоналар;
- Фуқароларнинг мулкига асосланган яқка тартибда ишлайдиган кичик корхоналар;
- Ижара корхоналари;
- Кичик қўшма корхоналар.

2009 йилда республикада кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 50,1 фоизни ташкил этди. 2009 йилда республикада бўйича кичик бизнесда 8402,3 минг киши иш билан банд бўлди. 2009-2012 йилларга мўлжалланган “Инқирозга қарши чоралар дастури” доирасида 2009 йилда мамлакатимизда 940 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Яратилган янги иш ўринларининг 500 мингдан ортиғи қишлоқ жойларда ташкил этилди. Ушбу янги иш ўринларининг 390 мингдан ортиғи кичик бизнесда, шу жумладан 270 мингдан ортиғи хизматлар соҳасида яратилди.

Республикада кичик бизнес корхоналари сонининг изчиллик билан ортиши, иқтисодиётнинг барча секторларида, жумладан,

транспорт, алоқа, соғлиқни сақлаш ва бошқа ноишлаб чиқариш тармоқларида ҳам кузатилмоқда.

Республикамызда 2009 йилда кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот(иш, хизматлар)лар умумий ҳажмида хусусий тадбиркорликнинг улуши 1.1-жадвалда акс эттирилган.

1.1-жадвал. 2009 йилда кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот(иш, хизматлар)лар умумий ҳажмида хусусий тадбиркорликнинг улуши.

Тармоқ	КБнинг маҳсулот (иш, хизматлар) ҳажми, млрд. сўм	КБ маҳсулот (иш, хизматлар) ҳажмида хусусий секторнинг улуши %
Саноат	4739,4	33,9
Қишлоқ хўжалиги	12375,1	100,0
Қурилиш	2855,1	68,5
Чакана савдо айланмаси	7671,0	76,4
Пуллик хизматлар	3067,6	93,2
Юк ташиш, млн.тн.	388,9	86,0
Йўловчи ташиш, млн. пасс.	4354,9	97,6
Экспорт, млн.АҚШ долл.	1723,6	5,3
Импорт, млн.АҚШ долл.	4015,1	17,7

Кичик бизнес корхоналарининг асосий экспорти – қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, ишлов берувчи, электротехника ишлаб чиқариш маҳсулотлари ҳамда халқ амалий санъати буюмларидир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлашга оид кўрилган самарали чоралар натижасида 2010 йилнинг 1-ярмида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан рўйхатга олинган кичик корхоналар умумий сони (фермер хўжаликларини ҳисобга олмаганда) 3,7 фоиз кўпайди. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлар ҳажми 1391,7 миллиард сўмни ташкил қилди ёки 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баравар ошди, жумладан, 270,4 миллиард сўмлик микрокредитлар берилди ва бу кўрсаткич 1,4 баравар ошди. Натижада 2010 йилнинг биринчи ярим йилида кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 41,1 фоиз, саноатда 16,7 фоиз, бандликда 74 фоизни ташкил қилди. Кичик бизнесда саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари 122,1 фоизни ташкил қилди ва бу саноат тармоғи бўйича ўртача кўрсаткичдан анча юқоридир.

Юқоридаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида хусусий тадбиркорлик, кичик бизнес фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар иқтисодиётнинг барча тармоқларида ташкил этилмоқда. Шу билан кичик корхоналарнинг иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамияти ортиб бормоқда. Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг миллий иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамияти қуйидагилар билан тавсифланади:

- хусусий тадбиркорлик бозор иқтисодиёти шароитида зарур тезкорликни таъминлаб, ишлаб чиқаришдаги чуқур ихтисослашув ва тармоқлашган кооперацияни яратади, буларсиз юксак самарадорликни таъминлаб бўлмайди;

- бозор учун зарур бўлган рақобатчилик муҳитини яратади ҳамда ўзгариб турадиган бозор талабига мослаб тезда ишлаб чиқариш турини

ўзгартириб олиш қобилиятига эга эканлиги билан ажралиб туради;

- истеъмолчилик соҳасида юзага келадиган бўшлиқни тезда тўлдиришга қодир бўлиб, энг замонавий машина ускуналари ва технологиядан фойдаланиб сарфланган сармоянинг ўрнини жуда тез қоплай олади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг хусусиятлари (муомала капиталининг кичиклиги, унинг тез айланувчанлиги, ишлаб чиқариш воситаларини тезда алмаштириш имкониятлари ва бошқалар) унинг бир қанча афзалликларга эга бўлиши имкониятларини яратади:

- изланиш, янги маҳсулотларни маромига етказиш ва ўзлаштириш, уларни талабнинг тез ўзгариб туриши хатарини ҳисобга олган ҳолда кичик уюшмаларда ишлаб чиқариш;

- тезкор техник сервиснинг ишончилиги ва истеъмолчилар билан мустаҳкам алоқалар ўрнатиш;

- ишлаб чиқаришни мослашувчан тарзда ташкил этиш ва маҳсулот сотишни бозор талабларига ҳамда бозор вазиятлари ўзгаришларига мувофиқ олиб бориш;

- ортиқча иш кучини ўзига сингдириш;

- бошқаришнинг оддийлиги, катта маъмурий аппаратнинг йўқлиги, қурилиш ва лойиҳа қувватларини ўзлаштиришда қисқа муддат, капитал сарфларининг тез ўзини оқлаши, капитал айланмасида юқори тезлик;

- хом ашё ва меҳнат ресурслари, ишлаб чиқариш чиқиндиларидан тўлиқроқ ва самаралироқ фойдаланиш.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳамда у билан боғлиқ барча нарсалар замонавий ижтимоий ишлаб чиқариш ташкилий тузилмасини муҳим ва таркибий қисмини ташкил этади. Шунинг учун ҳам давлатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий

тадбиркорликка муҳим ўрин ажратилиб, уларга давлат томонидан мадад берилмоқда.

Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес илмий-техника ривожини жадаллаштириш, саноатнинг илғор тармоқларида янги технологияларга ўтиш шароитида ўз ўрнини топиб бормоқда. Бундай тадбиркорлик янги ахборот технологияларини, янги ғоялар ва ишлаб чиқаришни модернизациялаш билан ишлашни таъминловчи бутун тизимнинг ажралмас қисмини ташкил этади. Бундан ташқари, кичик корхоналар таваккалчилик хавфи юқори бўлган шароитларда ишлаб чиқаришнинг маъқул шаклларида ҳисобланади.


Республикада 2010 йилнинг биринчи ярмида 509,4 мингта янги иш ўрни, шундан 350,1 мингдан ортиғи (68,7 фоизи) қишлоқ жойларда ташкил этилди. Иш ўринларининг катта қисми – 323,7 мингтаси (63,5 фоиз) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, жумладан, қарийб 160 мингтаси (31,4 фоиз) хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида ташкил қилинди.

1.4. Мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларининг давом эттирилиши

Президентимиз ўзларининг «**Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари**» номли асарларида узоқ муддатга, яъни 2009-2014 йилларга мўлжалланган дастур ишлаб чиқиш тўғрисидаги масалага алоҳида эътибор қаратдилар. Бу дастурда иқтисодиётимизнинг асосий тармоқларини модернизация қилиш ва техник янгилаш, мамлакатимизнинг янги марраларни эгаллаши учун кучли туртки берадиган ва жаҳон бозорида рақобатдошлигини таъминлайдиган замонавий инновация технологияларини жорий қилиш бўйича мақсадли лойиҳалар ўз ифодасини топади.

Мазкур кенг кўламли дастурни амалга ошириш учун мамлакатимизда сўнгги йилларда жиддий тайёргарлик кўриб келинмоқда. Жаҳон иқтисодий инқирози бу жараёни янада жадаллаштиришга туртки бериб, уни ҳар томонлама тезлаштиришни тақозо этмоқда.

Бугунги кунда иқтисодиётимизни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, унинг рақобатдошлигини кескин ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтиришга қаратилган муҳим устувор лойиҳаларни амалга ошириш бўйича Дастур ишлаб чиқилмоқда. Шу борада, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, умумий қиймати 24 миллиард АҚШ долларидан зиёд бўлган қарийб 300 та инвестиция лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда.




1.1-расм. Узоқ муддатга мўлжалланган дастур лойиҳалари таркиби, млрд. долл.

Жумладан, бунда янги қурилиш лойиҳалари – 18,5 миллиард долларни, модернизация ва реконструкция қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича лойиҳалар эса тахминан 6 миллиард долларни ташкил қилади (1.1-расм).

Дастурга киритилиши мўлжалланаётган бу лойиҳалар авваламбор ёқилғи-энергетика, кимё, нефт-газни қайта ишлаш, металлургия тармоқларига, енгил ва тўқимачилик саноати, қурилиш материаллари

саноати, машинасозлик ва бошқа соҳаларга тегишлидир. Лойиҳалаштириш ва қурилиш ишлари бошланаётган иншоотларни қўйидаги маблағлар ҳисобидан молиялаштириш кўзда тутилмоқда: компания ва корхоналарнинг ўз маблағлари – умумий ҳисобда 8,2 миллиард доллар, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт фонди кредитлари – 2,5 миллиард доллар, хорижий инвестиция ва кредитлар – 13,5 миллиард доллар (1.2-расм).



1.2-расм. Узоқ муддатга мўлжалланган дастур лойиҳаларининг молиялаштириш манбалари, млрд. долл.

Президентимиз ушбу лойиҳаларнинг бир қисми бўйича 2007-2008 йилларда қурилиш ишлари бошлаб юборилганлигини, баъзиларининг қурилишини эса 2009 йилда бошлаш кўзда тутилаётганлигини таъкидлаб ўтдилар. Мазкур лойиҳаларнинг амалга оширилиши инновацион ва энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш ва жаҳон бозорида талаб мавжуд бўлган янги турдаги товарлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ҳисобидан йилига 10,4 миллиард долларлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш, йиллик экспортни 6,5 миллиард долларга кўпайтириш, ялпи ички маҳсулот ҳажмини сезиларли даражада ошириш имконини беради.

Бугунги кундаги асосий вазифамиз – ҳар бир лойиҳани қисқа муддатларда барча манфаатдор тузилмалар, биринчи навбатда, хорижий инвесторлар билан биргаликда батафсил кўриб чиқиш, улар бўйича келишувларни охирига етказиш ва 2009-2014 йилларга белгиланган ушбу стратегик муҳим дастурнинг қабул қилинишини тезлаштиришдан иборат.

Шунга кўра, 2009 йилдаги иқтисодий дастурнинг яна бир муҳим устувор йўналиши–**бошланган таркибий ўзгаришларни ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларини давом эттириш** ҳисобланади.

Президентимиз иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш жараёнлари борасидаги ислоҳот ва янгиланишлар йўналишини 2000 йилдаёқ белгилаб олинганлигини, бироқ жаҳон иқтисодий инқироzi ишлаб чиқаришни мунтазам янгилаб, модернизация қилиб бориш заруратини кун тартибига янада ўткир қилиб қўйганлигини, бунинг учун бор куч-имкониятимиз ва ресурсларимизни сафарбар этишимиз зарурлигини қайд этдилар.

Шунингдек, бу борада мисол келтириб, Тошкент, Навоий ва Толлимаржондаги учта иссиқлик электр станциясида мавжуд бўлган тежамкорлиги паст газ қурилмалари ўрнига замонавий буғ-газ қурилмаларини барпо этиш лойиҳаларини амалга ошириш учун катта инвестиция керак бўлиши, лекин иссиқлик энергияси ишлаб чиқаришда энергия манбаларидан фойдаланиш ҳажмини жаҳон стандартлари даражасида қисқартиришга эришадиган бўлсак, бундан келадиган самара сарф қилинган харажатларни ҳар жиҳатдан тўла қоплашини, шунинг учун ҳам ушбу лойиҳалар ижросини жадаллаштириш устида қаттиқ ишлаш зарурлигини таъкидладилар.

Маҳаллий органлар ва тармоқ тузилмалари раҳбарлари томонидан сифатсиз маҳсулотни ишлаб чиқариш, эскирган техника ва технология асосида зарар кўриб ишлаётган корхоналарни сақлаб қолиш учун уринишларига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Бундай корхоналар сони

бугунги кунда 200 тадан ошиб, уларнинг аксарияти енгил ва озиқ-овқат саноати соҳасида сақланиб қолмоқда. Ҳолбуки, бу соҳаларда тез ўзгарувчан бозор талаби техника ва технологияни узоғи билан 5-7 йилда, ривожланган мамлакатларда эса бундан ҳам қисқа муддатларда ўзгартиришни талаб этади. Бундай вазиятни мазкур корхоналарни банкрот деб эълон қилиш йўли билан тубдан ўзгартириш даркор.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18-ноябрдаги ПФ-4053 сонли «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида кўзда тутилган иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнига тижорат банкларининг маблағларини кенгроқ жалб қилишни йўлга қўйиш тадбирлари муҳим ҳисобланади. Қарорда Республика Комиссиясининг қарори асосида банкрот корхоналарни тижорат банкларига сотиш ёки тўғридан-тўғри балансига беришнинг 3 та механизми кўзда тутилган:

1) банкрот корхона кредиторлик қарзи таркибининг 70% ва ундан ортиқ қисмини банк кредитлари ташкил этса, у ҳолда корхонани тижорат банклари балансига бериш;

2) банкрот корхонани аукцион савдолари орқали энг юқори нархни таклиф қилган ва тегишли мажбуриятни ўз зиммасига олган тижорат банкларига сотиш;

3) банкрот корхонани танлов савдолари орқали тижорат банкларига «ноль» қийматда инвестицион мажбурият шарти билан сотиш.

Ушбу тадбирлар мамлакатимиздаги банкрот корхоналарни таркибий қайта тузиш ҳамда янги хўжалик фаолиятини йўлга қўйиш жараёнларини сезиларли даражада тезлаштирди **(1.2-жадвал)**. Жадвалдан кўринадики, банкрот-корхоналарни тугатишнинг янги механизмлари жорий этилиши

билан уларнинг сони 2007 йилдаги 204 тадан 2008 йил охирига 67 тага қадар қисқарган.

1.2-жадвал. 2008 йилда мулки мавжуд бўлган банкрот-корхоналарни тугатишда янги йўналишларнинг берган самараси

Худудлар	Жами тугатиш жараёнида бўлган корхоналар сони	Тугатилган, келишув битими тузилган ёки тўлов қобилияти тикланган корхоналар сони	Сотилган ёки банклар балансига берилган корхоналар сони	Тижорат банкларига сотиш учун аукцион савдоларига қўйилган корхоналар сони	Йил якунига тугатишга қолганлар сони
Қорақалпоғ Республикаси	42	36	0	2	4
Андижон	31	16	5	2	8
Бухоро	10	4	4	0	2
Жиззах	28	20	0	0	8
Қашқадарё	36	22	7	1	6
Навоий	9	3	3	1	2
Наманган	28	14	8	1	5
Самарқанд	12	4	3	1	4
Сурхондарё	29	19	5	0	5
Сирдарё	3	3	0	0	0
Тошкент	11	2	5	0	4
Фарғона	11	2	2	3	4
Хоразм	63	34	21	0	8
Тошкент ш.	25	10	7	1	7
2008 йилда жами	338	189	70	12	67
2007 йилда жами	308	104	-	-	204

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги Ф-4010 сонли «Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тўғрисидаги тартибни тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармойиши билан иқтисодий ночор корхоналарнинг молиявий қобилиятини тиклаш бўйича бир қатор имтиёзлар (кўмаклар) берилган. Жумладан, ушбу Фармойишга кўра банкрот корхоналар негизида янги ташкил этилган хўжалик юритувчи субъектлар:

- кўшимча қиймат солиғидан озод қилинди;
- уч йил давомида фойда солиғи, ягона солиқ тўлови, мулк солиғи ва ер солиқларини тўлашдан озод қилинди;
- бошқарув компанияларга берилганда фойда солиғи ва ягона солиқ тўловидан икки йил давомида озод қилинди.

Бунинг натижасида собиқ банкрот ҳисобланган, эндиликда таркибий қайта тузиш орқали фаолиятини янгилаган корхоналарнинг кўрсаткичларида сезиларли ўзгаришлар рўй берди (1.3-жадвал).

1.3-жадвал. Собиқ банкрот корхоналарнинг кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	2007 йил	2008 йил
Янги ташкил этилган компания (корхона)лар сони, бирлик*	67	96
Янги маҳсулот турлари, дона	78	103
Жалб қилинаётган инвестициялар миқдори, млрд. сўм**	85	350,7
Яратилган иш ўринлари, киши**	6978	9800
Жами тўлаб берилган кредиторлик қарзлари миқдори, млрд. сўм **	69,7	247,3
Шу жумладан, бюджетга, млрд. сўм**	28	31
Бюджетдан ташқари, млрд. сўм**	2	2,4

Изоҳ: * - танлаб олинган; ** - ҳисобот бўйича.

Шунингдек, юқорида қайд этилган меъёрий ҳужжатлар орқали тижорат банкларига ҳам муайян имкониятлар берилган. Жумладан:

-банкрот корхона негизида устав жамғармаси 100% гача бўлган янги корхона ташкил этиш;

-банкрот корхонанинг тугатилиши муносабати билан унга аввал берилган, қопланмаган кредитини, шу жумладан Ҳукумат кафолати билан берилган кредит суммасини банк кенгашининг қарори билан ҳисобдан чиқариш;

-банкрот корхона учун малакали бошқарув компаниясини тузиш ва жалб қилиш;

-банкрот корхонани тугатиш баҳосида сотиб олиб, унинг фаолиятини тиклаб, қайтадан бозор баҳосида сотиш ва ҳоказо.

Айни пайта мазкур жараённинг самарадорлигини ва таъсирчанлигини таъминлаш мақсадида тижорат банкларига бир қатор мажбуриятлар юкланган. Жумладан:

1) тижорат банклари балансига ўтказилган банкрот корхоналарни тиклаш, техник ва технологик модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни қайта қуроллантириш, зарур бўлганда корхонани тўлиқ реструктуризация қилиш орқали фаолият йўналишини ўзгартириш, стратегик ҳамкорлар ва инвесторларни жалб қилишни назарда тутувчи бизнес-режаларни ишлаб чиқиш;

2) ёлланган ҳар бир корхона бошқарувчиси ишлаб чиқаришда кутилган натижаларга эришиши орқали ишлаб чиқаришларга замонавий ва юқори малакали бошқарувчиларни жалб қилиш ишларини олиб бориши;

3) банклар тасарруфига берилган банкрот корхоналари келгуси фаолияти устидан Республика комиссиясида ҳисобот беришлари йўлга қўйилган.

Умуман олганда, 2008 йилда мамлакатимиз ҳудудларида иқтисодий ночор корхоналарни таркибий ўзгартириш дастурларининг бажарилиши ҳолатини қуйидаги жадвал орқали кўриш мумкин **(1.4-жадвал)**.

1.4-жадвал. 2008 йилда иқтисодий ночор корхоналарни таркибий ўзгартириш дастурларининг бажарилиши

Худудлар	Соғлом-лаштириш дастуридаг и корхоналар сони	Реконструкция ишлари кетаётган корхоналар	Янги корхоналар	Ижобий натижага эришган корхоналар	Ишлаб чиқариш хажмини 1,2 баробардан оширган корхоналар
Қорақалпоғистон Республикаси	37	4	2	27	24
Андижон	37	8	1	24	22
Бухоро	49	6	3	35	24
Жиззах	27	7	-	17	17
Қашқадарё	31	1	4	23	23
Навоий	27	3	-	21	19
Наманган	36	4	2	26	16
Самарқанд	51	11	-	34	29
Сирдарё	16	4	-	11	10
Сурхондарё	37	2	4	27	16
Тошкент	37	3	1	29	27
Фарғона	52	9	1	36	20
Хоразм	61	1	3	50	24
Тошкент ш.	63	12	1	44	43
Жами	561	75	22	404	314

1.4-жадвалнинг давоми

Худудлар	шундан:					
	Ишчилар сони		Ишлаб чиқариш ҳажми (млрд.сўм)		Киритилган инвестиция	
	01.01.08 й. ҳолатига	01.01.09 й. ҳолатига	01.01.08 й. ҳолатига	01.01.09 й. ҳолатига	млрд. сўм	млн. АҚШ долл.
Қорақалпоғистон Республикаси	1676	2087	11,8	16,6	1,7	1,1
Андижон	2407	5678	6,8	33,8	3,5	30,6
Бухоро	1521	2012	7,7	14,2	4,6	5,2
Жиззах	482	804	1,8	4,6	4,9	15,0
Қашқадарё	1326	1473	8,5	7,4	2,4	-
Навоий	2394	2420	33,8	32,6	3,4	6,3
Наманган	1190	1365	4,1	6,6	0,9	1,3
Самарқанд	4159	4412	21,0	30,1	22,6	1,8
Сирдарё	598	943	8,6	32,2	1,0	2,0
Сурхондарё	3237	3365	9,8	12,4	1,5	2,1
Тошкент	11753	12371	105,7	141,9	12,4	27,7
Фарғона	3906	4250	14,1	26,5	3,7	12,3
Хоразм	3405	3946	20,3	25,3	7,1	0,7
Тошкент ш.	8890	10815	106,5	149,4	7,2	8,7
Жами	46944	55941	360,4	533,5	76,9	114,7


Демак, мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларининг давом эттирилиши барқарор ва

мутаносиб иқтисодий ўсишни таъминлаш, миллий иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини ошириш ҳамда жадал тараққиётга эришишнинг муҳим омили ҳисобланади.

2 Боб. Иқтисодиёт тузилмасини такомиллаштиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тутган ўрни ва аҳамияти

2.1. Бозор ислохотлари шароитида иқтисодиёт тузилмасини такомиллаштиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ўрни

Кейинги вақтларда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг ҳам барқарор ривожланганлигига алоҳида эътибор қаратилган. Хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ юкени янада камайтириш, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг 10 фоиздан 8 фоизга, 2009 йилдан бошлаб эса 7 фоизга туширилиши, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ставкаларининг камайтирилиши ва айти пайтда уни ҳисоблаш тартибларининг такомиллаштирилиши тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесни изчил ривожлантириш учун кучли рағбатлантирувчи омиллар яратди.




2.1-расм. Фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари сони, минг бирлик

Натижада 2008 йили фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари сони қарийб 400 мингтани ташкил этди, бу мазкур кўрсаткичнинг сўнгги олти йил мобайнида 1,9 баробар кўпайганлигини билдиради **(2.1-расм)**.

Фаолият кўрсатган кичик бизнес субъектларининг салмоғи 1,7% га, шу жумладан саноатда – 1,3% га, қурилишда – 3,4% га, транспортда – 22,2% га ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида – 9% га ошди. Фаолият кўрсатмаётган тадбиркорлик субъектлари улуши 8,6% ни ташкил этди. Ўз ўрнида айтиш керакки, бу айрим ривожланган мамлакатлар кўрсаткичидан анча паст.

Кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари ҳажми ўтган йили салкам 22 фоизга кўпайди. Бу саноат тармоғидаги ўртача ўсиш кўрсаткичидан анча кўпдир. Шунинг натижасида кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2007 йилдаги 45,5 фоиздан 2008 йилда 48,2 фоизга кўтарилди **(2.2-расм)**. Бугунги кунда мамлакатимизда иш билан банд бўлган жами аҳолининг 76 фоиздан кўпроғи айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани айниқса эътиборлидир.



2.2-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМ даги улуши, фоизда

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти ривожлантиришга оид дастурларни амалга ошириш натижасида ўтган йилда 37 мингдан ортиқ янги

кичик бизнес субъектлари, 119,6 мингта якка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди. Шунингдек, таркибий ўзгартирилаётган монополист-корхоналарнинг фойданилмаётган қувватларида 130 та турли мулкчилик шаклларига асосланган янги кичик корхоналар ташкил этилиб, уларда 7,5 мингта яқин иш ўринлари яратилди. 83 та банкрот корхоналар негизида 92 янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиб, уларда 9,8 мингта иш ўринлари яратилди.


Мамлакатимиздаги аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликнинг турли шаклларини кенг жорий этиш, қишлоқ жойларда чорвачиликни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ўтган йил мобайнида юртимизда 661 мингта яқин, жумладан, кичик бизнес соҳасида – 374 мингта, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида – қарийб 220 мингта, касаначилик ҳисобидан эса – 97 минг 800 та янги иш ўрни яратилди.

И.А.Каримов “Кичик бизнеснинг ихчам ва ҳаракатчанлиги, бозор конъюнктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиши уни жаҳон иқтисодий инқирози даврида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини ошириш борасида энг қулай ва мақбул воситага айлантиради”. 2009 йилда кичик бизнесни янада қўллаб-қувватлаш вазифаси ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки кичик бизнес янги-янги иш ўринларини яратиш, бизнинг шароитимизда иш билан банд аҳоли даромадининг 70 фоиздан ортиғини ташкил этмоқда.

Шу сабабли Инқирозга қарши чоралар дастурида кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу чора-тадбирлар солиқ ва кредит имтиёзлари билан бир қаторда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай бизнес муҳитини яратиш мақсадида институционал ислохотларни янада чуқурлаштиришни ҳам ўз ичига олади.

Жумладан, янги ташкил этилаётган кичик ва хусусий корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида Имтиёзли кредит жамғармасининг ресурс базасини икки баробар ошириш кўзда тутилган. Бунинг натижасида кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар миқдори йилдан-йилга сезиларли даражада ошиб бормоқда (2.3-расм).

Шу билан бирга, берилган имтиёзларнинг амал қилиш муддати узайтирилди, айланма маблағларни тўлдириш учун бериладиган кредитларнинг энг узоқ муддати 12 ойдан 18 ойга оширилди.



2.3-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун ажратилган кредитлар миқдори, млрд. сўм

2009 йилнинг 1 январидан саноат соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлов ставкаси 8 фоиздан 7 фоизга камайтирилди, молиявий, маиший ва бошқа хизматларни кўрсатаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловидан 3 йил муддатга озод этилди. Бунда микрофирмалар ва кичик корхоналар, нодавлат хўжалик юритувчи субъектларни оладиган дивидендларининг инвестицияларга, аввал олинган кредитлар учун ҳисоб-китоб қилишга йўналтириладиган қисми 5 йил муддатга солиқдан озод этилди.

Шунингдек, ягона солиқ тўлови ставкаси бориш қийин бўлган ва тоғли худудлардаги чакана савдо, улгуржи ва чакана савдо фаолиятини юритувчи дорихоналар учун 1 фоизгача пасайтирилди. Бориш қийин бўлган ва тоғли худудларда тадбиркорлик фаолиятини рўйхатдан ўтказиш йиғими белгиланган ставканинг 20 фоизи миқдорида, савдо корхоналаридан эса минимал ойлик иш ҳақи миқдорида ундириш белгиланди. Ўтган йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини молиявий ресурслар билан таъминлаш борасида ижобий ўзгаришларга эришилди. Имтиёзли кредит ставкалари, масалан, бизнесни бошлаш учун ажратилувчи кредит ставкаси 5%дан 3% га қадар пасайтирилди ва ҳоказо.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан хомашё ва ресурслардан фойдаланиш имкониятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари амалга оширилди. Жумладан, биржа савдолари орқали сотиладиган юқори ликвидли, монопол маҳсулотлар турлари позициялари 136 тадан 195 тагача кўпайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 4 мартдаги 36-сонли «Маҳсулотларнинг монопол турларини мавсумий талабини ҳисобга олган ҳолда биржа савдоларига қўйиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасига монопол маҳсулотларни биржа савдоларига мажбурий қўйдириш бўйича ваколат ҳамда юқори ликвидли товарлар моддий балансларига тегишли ўзгартириш киритиш бўйича имконият берилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг биржа савдоларида иштирок этиш имкониятларини ошириш мақсадида биржа хизматининг комиссиян харажатлари ўртача 25% гача пасайтирилди ва биржа савдоларида қатнашиш учун тўланадиган гаров пули 10% гача оширилди.

Тадбиркорлар учун енгиллик яратиш мақсадида қуйидаги тўловлар миқдорини камайтириш бўйича ҳужжатлар лойиҳаси ишлаб чиқилди:

-архитектура-режалаштириш топшириғини (АРТ) ишлаб чиқишга кетадиган тўловлар – 2 мартагача;

-экологик экспертизадан ўтказиш тўловлари – 20 фоиздан 90 фоизгача;

-турар жойларни нотурар жой тоифасига ўтказиш харажатлари – 9 мартагача;

-лойиҳалаш ҳужжатларини экспертиза қилиш харажатлари – 2 мартагача.

Шунингдек, банкда ҳисоб рақами очиш ва ёпиш учун олинадиган тўловлар умуман бекор қилинди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида уни тартибга солувчи 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари лойиҳалари экспертизадан ўтказилди. Бунинг натижасида 26 та қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди, 76 та идоравий меъёрий-ҳуқуқий ва қонун ости ҳужжатлари лойиҳалари экспертизадан ўтказилди.

Шунингдек, Инқирозга қарши чоралар дастурида 2009 йилда хўжалик юритувчи субъектларни текширишлар сонини камида яна 30 фоизга камайтириш кўзда тутилган.

2.2. Сирдарё вилояти иқтисодиёти тузилмасини такомиллаштиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни аҳамияти

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган. Мазкур соҳани ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент Фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари қабул қилинган бўлиб, ушбу ҳужжатлар асосида уларга кўплаб имтиёзлар яратиб берилмоқда. Чунки, мазкур жараён бугунги кунда бевосита ва билвосита вилоят иқтисодиёт тузилмасини такомиллаштиришда, таркибий ўзгартиришда, диверсификация ва

модернизациялаш жараёнида асосий ҳаракатлантирувчи кучдир. Шу жумладан, Сирдарё вилояти тижорат банклари томонидан ҳам кредит, лизинг ва факторинг хизматларини кўрсатиш ҳисобига кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Масалан, 2010 йил давомида вилоят иқтисодиёт тузилмасини такомиллаштиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан 70,7 млрд. сўм кредитлар ажратилди. Ажратилган кредитларнинг 17,1 млрд. сўмини микрокредитлар ташкил этиб, бу жами кредитларнинг 24,1 фоизини қамраб олади. Бунда барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитларнинг 19,7 миллиард сўми (27,9 фоизи) саноатга, 20,7 миллиард сўми (29,2 фоизи) қишлоқ хўжалигига, 13,8 миллиард сўми (19,5 фоизи) айланма маблағларни тўлдиришга, 10,1 миллиард сўми (14,3 фоизи) қурилиш ва маиший хизмат кўрсатишга ҳамда 6,4 миллиард сўми (9,1 фоизи) бошқа тармоқларга йўналтирилган.

Шуниси диққатга сазоворки, тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар миқдори 69,2 миллиард сўмни ёки жами ажратилган кредитларнинг 97,8 фоизини ташкил этган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2009 йилга нисбатан 19,9 миллиард сўмга ўсган. Худди шунингдек, 2010 йилда кичик бизнес субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар ҳисобига 10499 та янги иш ўринлари ташкил этилган.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғриси-да"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида вилоятда 2010 йил давомида тижорат банклари томонидан тадбиркор аёлларга жами 5793,0 миллион сўм кредитлар ажратилган бўлиб, 2009 йилга нисбатан ажратилган кредитлар 670,2 миллион сўмга кўпдир. Тадбиркор аёлларга ажратилган кредитларнинг 654,0 миллион сўми яқка тартибдаги тадбиркорларга, 2138,4 миллион сўми, асосан, аёллар меҳнатидан фойдаланиладиган ва улар бошқарадиган кичик

корхона ҳамда фирмаларга ажратилган бўлиб, бунда 2010 йил учун белгиланган режа 110,9 фоизга бажарилган.

Жумладан, вилоятнинг туман марказлари ва улар атрофларида иқтисодиёт тузилмасини такомиллаштириш мақсадида, "Микрокредитбанк"-нинг Боёвут бўлими томонидан "Ҳафизабону Наргиза" хусусий фирмасига аҳолига маиший хизмат кўрсатиш учун 22,5 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди. Ажратилган кредит маблағи эвазига 5 та янги иш ўрни яратилган. Жумладан, "Агробанк" Пахтаобод филиали томонидан Сардоба туманида фаолият кўрсатаётган "Қосим Мансур ҳамкорлиги" хусусий фирмасига тикув машиналари харид қилиш учун 30 миллион сўм кредит ажратилди. Ажратилган кредит ҳисобига бу ерда ҳам 5 та янги иш ўрни ташкил қилинган.

Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармониغا асосан, вилоят тижорат банклари томонидан 1004 та ёш оиллага ажратилган кредитлар миқдори 8 миллиард 351,0 миллион сўмни ташкил этди. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 28 октябрдаги **"2009—2012 йилларда Сирдарё вилоятининг саноат салоҳиятини ошириш, шунингдек, истиқболсиз корхоналарни таркибий ўзгартириш, молиявий соғломлаштириш ёки тугатиш бўйича ҳудудий Дастури"**ни тасдиқлаш бўйича ўтказилган йиғилиш баённомасига асосан, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни ишга тушириш бўйича 2010 йилда Сирдарё вилояти тижорат банклари томонидан 37 та лойиҳага 13 миллиард 922,0 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратилган.

Вилоятдаги тижорат банклари томонидан Президентимизнинг "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан, ишлаб чиқариш корхоналарига 9,0 миллиард сўмлик кредитлар ажратиш режалаштирилган бўлиб, ушбу қарорнинг бажарилиши бўйича вилоят

тижорат банклари томонидан 9 миллиард 944,0 миллион сўмлик кредитлар берилган.

Шунингдек, "Қишлоқ қурилиш банк" нинг Янгиер шаҳар филиали томонидан Янгиер шаҳрида фаолият юритаётган "Анвар нон" масъулияти чекланган жамиятига нон ишлаб чиқариш цехини таъмирлаш учун 100 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди ва бунинг ҳисобига 15 та янги иш ўрни ташкил этилган. Корхонада йилига 201,0 миллион сўмлик нон ва нон маҳсулотлари етказиб бериш режалаштирилган.

2010 йил Сирдарё вилоятида яна бир катта лойиҳа амалга оширилган. Яъни "Агробанк"нинг Сирдарё тумани филиали томонидан "TEMUR MED FARM" МЧЖга дори-дармон ишлаб чиқариш фабрикасини қуриш ва ишга туширишга технологик асбоб-ускуналар харид қилиш учун жами 6,1 млрд. сўмлик лойиҳа амалга оширилмоқда. Шундан 4,9 млрд. сўми банк кредити ҳисобидан амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, бугунги кунга қадар 4 миллиард 875,0 млн. сўм кредит маблағи ажратилди. Қурилиш ишлари ҳам босқичма-босқич олиб борилмоқда. Ажратилган кредит ҳисобига корхона томонидан 60 та иш ўрни яратилиб, йилига 9 хил турдаги 6 млн. 600 минг дона дори-дармон ишлаб чиқарилади. 2011 йилда корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач, 12 млн. 540 минг дона дори-дармон маҳсулотлари тайёрланиб, қўшимча 20 та иш ўрни яратилиши кўзда тутилмоқда.

"Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент қарорига асосан, ишлаб чиқариш корхоналарига технологик ускуналар сотиб олиш учун 8,0 миллиард сўмлик банк кредитлари ажратилиши белгиланган бўлиб, вилоят тижорат банклари томонидан 11 миллиард 163,7 миллион сўмлик кредитлар ажратилган.

"Агробанк"нинг Ширин шаҳар филиали томонидан "Шохруҳ Демирбек" масъулияти чекланган жамиятига полиэтилен қоп ишлаб чиқариш ускуналари ва хом ашё харид қилиш учун жами 50 миллион сўм кредит

ажратилди. Корхонада йилига 292 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаш режалаштирилмоқда.

Вилоят саноатида янгилик бўлган, қурилиш материаллари ва терини қайта ишлашга ихтисослаштирилган "PENG-SHENG"- Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси 2009 йил 28 март куни вилоят Адлия бошқармасидан рўйхатдан ўтиб, ҳозирги кунда Сирдарё туманида ўз фаолиятини бошлади. Корхонанинг умумий инвестиция миқдори 26,0 млн. АҚШ доллари, шу жумладан, 12,3 млн. АҚШ доллари миқдоридоги тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ҳисобига яратилди. Корхонанинг йиллик қуввати 3 та йўналиш бўйича амалга оширилади. Шундан:

- 1) 4,0 млн. кв. метр керамик плита ишлаб чиқариш ;
- 2) 600,0 минг тонна терини қайта ишлаш;
- 3) 300,0 минг дона пойабзал ишлаб чиқариш.

Корхона тўлиқ ишга туширилгач, 500 та янги иш ўрни яратилади. Қўшма корхонада ҳозирги кунда керамик плита ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. 2011 йил 1 январь ҳолатига кўра, 13,0 млн. АҚШ доллари қийматида инвестиция ўзлаштирилган бўлиб, корхонада 350 та янги иш ўрни яратилган. Ҳозир пойабзал ишлаб чиқариш бўйича асбоб-ускуналар олиб келинган ҳамда монтаж ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк"нинг Сирдарё минтақавий филиали Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан бир қанча ишларни амалга ошириб келмоқда. Хусусан, 2010 йилда вилоятимизнинг 8 та туманида тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича 275 та уй-жой қурилиши режалаштирилган бўлиб, 11 массивда қурилиш ишлари олиб борилган. Қурилиш қийматининг умумий нархи 18223,0 млн. сўмни ташкил қилиб, шу мақсадда филиалимиз томонидан 275 та фуқарога 10362,0 млн. сўм имтиёзли ипотека кредити ажратилган. Мазкур

бунёдкорлик ишлари учун фуқаролар томонидан дастлабки бадал сифатида "Қурилишга сармоя" омонатига 5213,0 млн. сўм маблағлар қабул қилиниб, "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компаниясининг махсус ҳисоб рақамига маблағ ўтказиб берилди. Ундан ташқари, мижозлар томонидан 2010 йилда барпо қилинган уй-жойларга якуний ҳисоб-китоб учун 1392,0 млн. сўм миқдоридаги маблағлар тўлови амалга оширилди. Бугунги кунда буюртмачи томонидан тайёр уй-жойларни эгаларига топшириш ишлари олиб борилмоқда.

Ўтган йилда пудратчилар томонидан 15547,0 млн. сўм миқдорида қурилиш-монтаж ишлари олиб борилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 8 сентябрдаги "Қишлоқ жойларда уй-жойларни лойиҳалаштиришни такомиллаштириш ва қурилишни яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Сирдарё вилоятида 8 та қишлоқ туманининг 10 та массивида 310 та янги тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой қурилиши режалаштирилган.

Халқаро андоза талабларига мос равишда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун кичик бизнес субъектларига ривожланган давлатларнинг ишлаб чиқариш технологиялари сув ва ҳаводек зарур. Лекин ишлаб чиқаришни юксак талабларга мос равишда йўлга қўйиш истагида бўлган кичик бизнес субъектларининг барчаси ҳам ўз маблағлари ҳисобидан бу ишни амалга ошира олмайди. Бунда кичик бизнес субъектларининг яхши инвестициявий лойиҳалари хорижий кредит линиялари ва банклар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Хусусан, вилоят тижорат банкларида очилган хорижий кредит линиялари ҳисобидан 2010 йил давомида кичик бизнес субъектларининг 8 та инвестициявий лойиҳаси жами 3 миллион 639,2 минг АҚШ долларига молиялаштирилган бўлиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 3 миллион 368,0 минг АҚШ долларига ўсган.

Мисол учун, "Саноатқурилиш-банк"нинг вилоят филиали томонидан Гулистон туманидаги "Соҳил уммон барака" корхонасига қум ва тош қазиб олиш ва қайта ишлаш лойиҳаси бўйича Ислом тараққиёт банки кредит линиясидан 5 йил муддатга 399,4 минг АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилди. Ажратилган кредит ҳисобига 16 та янги иш ўрни ташкил этилди. Корхонада йилига 215,0 млн. сўмлик қум ва тош қазиб олиш ишларини бажариш режалаштирилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, бугун юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш, уни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эга. Ўз навбатида бу молиявий қўллаб-қувватлаш асосида бугунги кунда юқорида айтиб ўтилганидек, ҳудуд иқтисодиёти тузилмасида, яъни унинг таркибий ўзгаришида юқори натижаларга эришилмоқда. Бунга албатда, хорижий кредит линияларини жалб қилиш ва ўзлаштириш масалалари барча тижорат банклари учун устувор йўналишлардан бири бўлиб қолаверади. Бу жараён бевосита ва билвосита иқтисодиётни тузилмавий тузилишини такомиллаштиришда асосий воситалардан бири сифатида қаралади.

Бунинг натижасида Сирдарё вилоятида қуйидаги йўналишдаги саноат мажмуалари қўшма корхоналарини ривожлантириш орқали иқтисодий жиҳатдан юқори самарага эришиш **мумкин:**

-озик-овқат саноати соҳасида фаолият юритадиган қўшма корхоналар, хусусан, гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш ва вилоят аҳолисини сифатли маҳсулотга бўлган талабини қондириш;

-мева-сабзавот ва виночилик соҳасида фаолият юритадиган қўшма корхоналар. Вилоятда етиштирилган меваларнинг 98 фоизи қайта ишланмайди, 30 фоизи исроф қилинади. Туманларда ушбу соҳада фаолият юритадиган қўшма корхоналарни барпо этиш орқали юқори самарага эришиш мумкин;

-халқ истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритадиган қўшма корхоналар. Бундай корхоналарни барпо этиш асосан бошқа вилоятлар ва чет элдан импорт қилинадиган маҳсулотларни вилоятда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, ишсизларни иш билан таъминлаш билан бирга, аҳоли фаровонлигини оширишда катта ўрин тутади;

-пахтани қайта ишлаш ва текстил саноати соҳасида фаолият юритадиган қўшма корхоналар. Биргина далил, вилоятда етиштирилган пахта толасининг 94,6 фоизи хом ашё кўринишида экспорт қилиниши бу соҳадаги қўшма корхоналарни ривожлантириш қанчалик долзарблигидан далолат беради;

-Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик доирасида саноат корхоналарини ривожлантириш ва такомиллаштириш, асосан қишлоқ жойларида.

Юқорида айтилган илмий-амалий масалалар, келажакда вилоят иқтисодиётини ривожлантириш учун, давлат бюджетидан катта капитал маблағлар кераклигини кўрсатади. Чунки ҳозирги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасида, вилоят иқтисодиётининг ҳозирги ҳолатини яхшилаш учун вилоят фондлари етарли эмас. Вилоят иқтисодий аҳволини ўнглаш биринчи навбатда, саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳасига ички ва хорижий сармояларнинг йўналтирилишига боғлиқдир ва ўз навбатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик асосида иқтисодиёт тузилмасида туб ўзгаришлар юзага келади.

2.3. Истиқболда иқтисодиёт тузилмасини такомиллаштиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўналишлари

Президент Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга

хизмат қилади” мавзусидаги маърузасида бу масалага катта эътибор қаратилган.

Маърузада қайд қилиб ўтилганидек, мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар алоҳида эътиборга лойиқдир. Ҳаммамиз яхши биламизки, бизга собиқ совет тизимидан бир томонлама ривожланган, фақат хомашё етиштиришга йўналтирилган, пахта яккаҳоқимлиги ҳалокатли даражада авжига чиққан, ишлаб чиқариш ва сотсиал инфратузилмаси ўта қоқоқ, аҳоли жон бошига истемол кўрсаткичи энг паст бўлган иқтисодиёт мерос бўлиб қолган эди.

Шуни эътиборга оладиган бўлсак, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш вазифаси долзарб ҳисобланади. Агар ўн йил олдин, яъни 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида саноатнинг ҳиссаси атиги 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 24 фоизни, транспорт ва алоқанинг улуши тегишли равишда 7,7 ва 12,4 фоизни ташкил этди, хизматлар бўйича бу рақам 37 фоиздан 49 фоизга ўсди. Қишлоқ хўжалигининг улуши эса 30,1 фоиздан 17,5 фоизга тушди. Умумий ҳолда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари **2008 йилда 9 фоиз, 2009 йилда 8,1 фоиз, 2010 йилда эса 8,5 фоизни** ташкил этди.

Шунга алоҳида эътибор қаратиш керакки, қишлоқ хўжалигининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши камайиб бораётган бир шароитда ушбу соҳада маҳсулот етиштириш юқори суръатлар билан кўпаймоқда. 2010 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2009 йилга нисбатан 6,8 фоизга, 2000 йилга нисбатан эса 1,8 баробар ошгани ҳам шундан далолат беради.

Бу борадаги энг катта ютуғимиз ялпи ички маҳсулот таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши кўпайгани ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда унинг роли сезиларли даражада ошганида намоён бўлмоқда. 2000 йилда ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 31 фоизи иқтисодиётнинг фаол ривожланиб бораётган ушбу сектори улушига тўғри

келган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 52,5 фоизни ташкил этди. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни диверсификация қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар алоҳида эътиборга лойиқдир.

2010 йилда саноат ишлаб чиқариш таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулотнинг улуши 50 фоиздан зиёдни ташкил этди. Мамлакатимиз саноат корхоналари томонидан ўтган йили 160 дан ортиқ турдаги янги товар ва маҳсулотлар, жумладан, мутлақо янги технологик платформа негизида “Спарк” енгил автомобилини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, катта ҳажмда юк ташийдиган “МАН” автомобилларини, энергия тежайдиган лампалар, “ЭлЖи” русумидаги жаҳонга машҳур холодилникларни йиғиш, калий ўғитлари ва бошқа муҳим маҳсулотларни ишлаб чиқариш бошлаб юборилди. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 2010 йилда 1 минг 76 та лойиҳа амалга оширилди. Маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми 1,4 баробар ошди, импорт ўрнини босиш бўйича якуний самарадорлик 3 миллиард 400 миллион долларни ташкил қилди ва бу 2009 йилга нисбатан 1,2 баробар кўп демакдир.

Корхоналар ўртасида кооперация алоқалари мустаҳкамланмоқда, бу жараёнга кичик корхоналар ва хусусий бизнес субъектлари тобора кенг жалб қилинмоқда.

2010 йилда ўтказилган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооператцион биржада дунёнинг 51 мамлакатидан 700 дан ортиқ хорижий фирма ва компания вакиллари қатнашди, 500 дан ортиқ янги турдаги маҳсулот намоиш этилди, қиймати 2 триллион 600 миллиард сўмлик шартномалар имзоланди.

Ташқи қарзлар асосан узоқ муддатга, фақат иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини

молиялаштириш учун жалб қилинди. Банкларнинг кредит портфели таркибида ҳам сифат ўзгаришлари рўй бермоқда. Умумий кредит портфелида узоқ муддатли, яъни 3 йилдан ортиқ муддатга бериладиган инвестиция кредитларининг улуши 2000 йилнинг охиридаги 35 фоиздан 2010 йилнинг охирида 75,2 фоизга ўсди.

2010 йил давомида кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 1,4 баробар кўпайди ва 2 триллион 700 миллиард сўмни ташкил этди. Жумладан, микрокредитлар ҳажми 485 миллиард сўмдан ортиб, бу кўрсаткич 2009 йилга нисбатан 1,5 баробар кўпайди. Тўланмай қолган қарзлари туфайли банкларнинг балансига ўтказилган банкрот корхоналарни молиявий соғломлаштириш борасидаги тижорат банкларининг фаолияти активлашди.

Жорий этилган бундай механизм банкрот корхоналарда ишлаб чиқариш фаолиятини қайта тиклаш, ишлаб чиқаришни модернизатсия қилиш, техник ва технологик янгилаш учун банклар томонидан қўшимча инвестиция киритиш, ана шундай корхоналарни молиявий соғломлаштириш, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва замонавий бошқарув усулларини татбиқ этиш, шунингдек, иш ўринларини қайта тиклаш ва янги иш ўринларини яратишни кўзда тутди.

Шу тариқа фаолият кўрсатишга лаёқатли, илгаригига қараганда технологик жиҳатдан анча юқори даражада ишлайдиган, фаолияти қайта тикланган корхоналар янги инвесторлар эътиборини тобора кўпроқ ўзига тортмоқда. Инвесторлар ҳозирги пайтда бундай корхоналарни банклардан фаол сотиб олмақда. Бугунги кунда тижорат банклари балансига берилган 147 та банкрот корхонанинг 140 тасида ишлаб чиқариш қайта тиклангани, уларнинг 64 таси янги инвесторларга сотилгани бу фикрнинг ёрқин далилидир. Қайд этиш керакки, банклар томонидан бу корхоналарни модернизатсия қилиш ва технологик қайта жиҳозлаш учун 156 миллиард сўм миқдорида инвестиция йўналтирилди, 21 мингдан кўпроқ иш ўрни ташкил қилинди.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, фермер хўжалиқларига бириктирилган ер участкаларини оптималлаштириш, пахта ва ғалланинг харид нархларини ошириш бўйича амалга оширилаётган изчил ишлар натижасида иқтисодиётимизнинг аграр секторида таркибий сифат ўзгаришлари юз бермоқда.

Пахта ва ғалла каби стратегик муҳим қишлоқ хўжалиги экинлари билан бир қаторда, мева-сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик соҳаларида ҳам ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ўсди, қайта ишлаш тармоқлари ва ички бозорни сут, гўшт, картошка, сабзавот каби энг муҳим озиқ-овқат ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан янада кўпроқ тўлдириш учун мустаҳкам хомашё базаси яратилмоқда.

Мамлакатимизда 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 13,6 фоизга кўп, яъни 9 миллиард 700 миллион АҚШ долларига тенг миқдордаги инвестициялар ўзлаштирилди, бу ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 25 фоизини ташкил этади. Ушбу инвестицияларнинг салкам 72 фоизи ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этишга, жумладан, 38 фоизга яқини асбоб-ускуна ва илғор технологиялар сотиб олишга йўналтирилди. Шу борадаги умумий қўйилмалар ҳажмида хорижий инвестициялар ва кредитлар улуши 28,8 фоизни, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори эса 2 миллиард 400 миллион доллардан зиёдни ташкил этди.

Барча молиявий манбалар ҳисобидан техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун йўналтириладиган инвестициялар ҳажми 3 миллиард 800 миллион доллардан ошгани ёки 2010 йилдаги барча капитал қўйилмаларнинг 37,5 фоизини ташкил этгани принципиал муҳим аҳамиятга эгадир.

Инвестиция дастури доирасида 2010 йилда 200 дан зиёд лойиҳа амалга оширилди. Жумладан, йилига 50 мингта автомобил ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган “М-300” русумидаги енгил автомобил ишлаб чиқаришни ўзлаштириш”, 200 минг тонна калий ўғитлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган “Деҳқонобод калий ўғитлари заводи қурилиши”,

“Хонжиза конида полиметалл рудаларга ишлов бериш” каби йирик лойиҳалар, Навоий кон-металлургия комбинати, “Навоиазот” компаниясининг бир қатор янги объектларини барпо этиш ишлари ва бошқа лойиҳалар ниҳоясига етказилганини таъкидлаш жоиз.

2010 йилда “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида хорижий инвесторлар билан эришилган битимлар доирасида 19 та инвестиция лойиҳасини амалга оширишга киришилди. Ана шу лойиҳалар доирасида жаҳон бозорида харидоргир бўлган замонавий маҳсулот ишлаб чиқарадиган 7 та корхона фойдаланишга топширилди.

2011 йили мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 108,3 фоиз, саноатдаги ўсиш – 109,3 фоиз, қишлоқ хўжалигида – 105,8 фоиз ҳажмида бўлиши кўзда тутилмоқда. Инфлатсия даражаси 7-9 фоиз атрофида бўлиши назарда тутилмоқда. Мамлакатимизни иқтисодий ривожлантиришга қаратилган узоқ муддатли стратегик мақсадни амалга оширишнинг мантиғи мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошланган ва Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги рақобатдошлигини ошириш ва мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган таркибий ўзгаришлар ва юксак технологияларга асосланган замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш соҳаларини жадал ривожлантириш сиёсатини 2011 йилдаги асосий **устувор** йўналиш сифатида давом эттиришни тақозо этмоқда.

Бу ўринда ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ва мамлакатимиздаги хомашё ва ресурсларга бой мавжуд манбалардан оқилона фойдаланиш асосида юқори қўшимча қийматга эга бўлган юксак технологик маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминлайдиган истиқболли иқтисодиёт тармоқлари ҳақида сўз бормоқда. Ана шу мақсадларга эришиш учун **“2011-2015 йилларда Ўзбекистон саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”**ги дастур тасдиқланди. Ушбу дастур саноат соҳасида умумий қиймати қарийб 50 миллиард долларни ташкил этадиган 500 дан ортиқ йирик инвестиция лойиҳасини амалга оширишни кўзда тутди.

Яқин беш йил ичида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини камида 60 фоизга ошириш, ялпи ички маҳсулотда унинг улушини 2010 йилдаги 24 фоиздан 2015 йилда 28 фоизга кўпайтиришни таъминлаш вазифаси қўйилмоқда. Бу борада машинасозлик, автомобилсозлик, кимё, озиқ-овқат, фарматсевтика, қурилиш материаллари саноати ва бошқа соҳаларни жадал ривожлантириш ҳисобидан ушбу тармоқларда икки баробардан зиёд ўсишга эришилади. Тўқимачилик саноатида экспортбop рақобатдош маҳсулотлар тайёрлашга йўналтирилган, яқуний ишлаб чиқариш шаклига эга бўлган янги, замонавий тўқимачилик комплексларини ривожлантириш устувор аҳамият касб этиши зарур.

Бу, ўз навбатида, пахта толасини ўзимизда қайта ишлаш ҳажмини 2 баробардан кўпроқ, калава ишлаб чиқаришни 2,6 баробар, тайёр трикотаж ва тикувчилик буюмларини 3 баробар, тўқимачилик саноати маҳсулотлари экспортини 2 баробар оширишни таъминлайди. Юксак технологиялар соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилади.

Бу лойиҳалар синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, полиетилен ва полипропилен маҳсулотлар, суюлтирилган ва сиқилган табиий газ ишлаб чиқариш бўйича янги, замонавий газ-кимё комплексларини барпо этиш, энергияни тежайдиган замонавий технологиялар асосида минерал ўғитлар ҳамда янги турдаги кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш, эскирган ускуналарни замонавий буғ-газ қурилмалари билан алмаштириш ҳисобидан энергетика тармоғини жадал ривожлантириш каби соҳаларни қамраб олади.

Халқаро молия институтлари ва хорижий компаниялар билан тузилган шартнома ва битимлар асосида 2011 йилда иқтисодиётимизнинг реал секторига 3 миллиард доллардан ортиқ инвестиция киритиш кўзда тутилмоқда. Шунини таъкидлаш керакки, бу маблағнинг 2 миллиард 200 миллион доллардан ортиғи ёки 73 фоиздан зиёдини тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ташкил этади.

Тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ҳисобидан иқтисодийтимизнинг кўплаб тармоқларида 70 тадан ортиқ инвестиция лойиҳасини амалга ошириш мўлжалланмоқда. Бу, авваламбор, газни қайта ишлайдиган замонавий завод қуришни ўз таркибига олган Қандим гуруҳи конларини, шунингдек, Хаузак ва Шоди конларини ўзлаштириш, истиқболли углеводород хомашё конларида геология-қидирув ишларини олиб бориш бўйича йирик лойиҳалардир.

Айни вақтда Навоий вилоятида аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш комплекси барпо этиш, Қорақалпоғистон Республикасида семент заводи қуриш, Тошкент вилоятида турли мато ва тикувчилик маҳсулотлари, тайёр дори препаратлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича лойиҳалар ҳам шулар қаторига киради. Булар – тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан барпо этиладиган истиқболли объектларнинг бир қисмидир.

Мамлакатимизда 2011 йилнинг Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили, деб эълон қилинган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг мамлакатимизни модернизатция қилиш ва янгилашнинг ишончли таянчи бўлган мулкдорлар синфини, яъни ўрта синфни шакллантиришда аҳамияти каттадир. Бу жараён бевосита ва билвосита иқтисодий таркибий тузилмасини такомиллаштириш кучли туртки беради ва бу қуйидаги йўналишларда олиб борилиши **ЛОЗИМ:**

Биринчидан, мамлакатимизнинг барча минтақаларида бизнесни ривожлантириш учун янада қулай ишчан муҳит яратиш, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесга янада кенг эркинлик бериш, бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш лозим.

Иккинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кредитлар, хомашё ресурслари, шунингдек, давлат харидлари тизимидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш зарур. 2011 йилда Молия вазирлиги ва Иқтисодий вазирлигига махсус квоталар ажратиш орқали кичик бизнеснинг

давлат харидлари тизимидан фойдаланишини кенгайтириш борасида алоҳида механизмни ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш, кичик бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни харид қилиш, кўрсатилаётган иш ва хизматларга доир давлат буюртмаларини жойлаштириш бўйича очиқ электрон тизимни босқичма-босқич жорий этиш лозим.

Учинчидан, кичик бизнеснинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш учун зарур ташкилий, ҳуқуқий, молиявий механизм ва шароитларни туғдириб беришимиз керак. Кичик корхоналар учун ташқи савдо операцияларини расмийлаштиришдаги ортиқча ички процедураларни бартараф этиш, кичик бизнес соҳаси маҳсулотларини экспорт қилиш борасида қўшимча преференциялар бериш зарур.

Шуни тан олиш керакки, ҳар қандай кичик корхона ҳам ўз маҳсулотлари билан ташқи бозорга мустақил равишда чиқа олмайди. Чунки бунинг учун катта сарф-харажатлар керак бўлади, хорижий мамлакатлар бозорининг ҳолати ва қонунчилигининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида етарлича ахборот ва билимларга эга бўлиш талаб этилади. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги “Ўзстандарт” агентлиги ва Савдо-саноат палатаси кичик бизнес корхоналарига ташқи бозорларда ўз маҳсулотларини сотишга кўмаклашадиган, маркетинг ўтказиш, сертификат ва рухсатномалар олишни таъминлайдиган механизмни яратиш учун барча зарур ишларни амалга ошириши даркор.

Хулоса қилиб айтганда, 2011 йилга мўлжаллаб қабул қилинган ва мамлакатимиз Парламенти томонидан маъқулланган Республика дастурида 950 мингдан ортиқ янги иш ўрнини асосан қишлоқ жойларда яратиш кўзда тутилган. Бу жараён бевосита ва билвосита кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланганлик даражасига боғлиқ. Бу иш жойларининг 600 мингдан зиёдини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида очиш мўлжалланмоқда. 73 мингдан ортиқ иш ўрни транспорт ва муҳандислик-

коммуникатция инфратузилмасини жадал ривожлантириш лойиҳаларини амалга ошириш натижасида ташкил этилади. Касаначиликни, аввало, меҳнат шартномалари бўйича корхоналар билан кооператция асосидаги касаначиликни, шунингдек, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бандликни таъминлашнинг муҳим йўналиши бўлиб қолади ва бу қарийб 220 минг кишини иш билан таъминлаш имконини беради.

Хулоса ва таклифлар

Ўзбекистон бозорга ўтишни босқичма-босқич ва изчил амалга оширмоқда. Мустақиллик йилларида, ислохотларнинг биринчи босқичидаёқ кўп укладли иқтисодиётни шакллантиришда, иқтисодиётни бошқаришнинг ташкилий тузилмасида йирик ўзгаришлар юз берди, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни фаол олиб борилди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратилди, бозор инфратузилмасининг асосий муассасалари шакллантирилди. Бунинг асосида Миллий иқтисодиёт тузилмаси ва ундаги чуқур ўзгаришларни амалга оширилишида тадбиркорлик фаолиятини аҳамияти оширилди.

Ушбу доирада қарайдиган бўлсак, Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятларига қуйидагиларни киритиш лозим:

-савдонинг (шу жумладан, ҳудудлараро ташишларнинг) анъанавий юқори мақомдалиги, бу хусусиятни жамоатчилик Буюк ипак йўлидан бошланган тарихий анъана сифатида идрок қилади;

-қонунга риоя қилишлик ва менталитетимизга хос анъаналар;

-худудий-жамоа (маҳалла) кадриятларнинг ва жамоатчилик, ўзаро кўмак ҳамда хашар анъаналарининг сақланиши;

-халқнинг анъанавий меҳнатсеварлиги ва кенг халқ оммасининг ғарб истеъмол андозаларига ружу қўймаслиги.

И.А.Каримов “Кичик бизнеснинг ихчам ва ҳаракатчанлиги, бозор конъюнктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиши уни жаҳон иқтисодий инқирози даврида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини ошириш борасида энг қулай ва мақбул воситага айлантиради”. 2009 йилда кичик бизнесни янада қўллаб-қувватлаш вазифаси ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки кичик бизнес янги-

янги иш ўринларини яратиб, бизнинг шароитимизда иш билан банд аҳоли даромадининг 70 фоиздан ортигини ташкил этмоқда.

Шу сабабли Инқирозга қарши чоралар дастурида кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу чора-тадбирлар солиқ ва кредит имтиёзлари билан бир қаторда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай бизнес муҳитини яратиш мақсадида институционал ислохотларни янада чуқурлаштиришни ҳам ўз ичига олади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳудуд иқтисодиёти тузилмасини такомиллаштиришдаги аҳамияти қуйидагилар билан тавсифланади:

- ◆ Биринчидан, хусусий тадбиркорлик бозор иқтисодиёти шароитида зарур тезкорликни таъминлаб, ишлаб чиқаришдаги чуқур ихтисослашув ва тармоқлашган кооперацияни яратади, буларсиз юксак самарадорликни таъминлаб бўлмайди;
- ◆ Иккинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бозор учун зарур бўлган рақобатчилик муҳитини яратади ҳамда ўзгариб турадиган бозор талабига мослаб тезда ишлаб чиқариш турини ўзгартириб олиш қобилиятига эга эканлиги билан ажралиб туради;
- ◆ Учинчидан, истеъмолчилик соҳасида юзага келадиган бўшлиқни тезда тўлдиришга қодир бўлиб, энг замонавий машина ускуналари ва технологиядан фойдаланиб сарфланган сармоянинг ўрнини жуда тез қоплай олади;
- ◆ Тўртинчидан, у шундай тадбиркорлик муҳитини яратадики, ишлаб чиқарувчиларнинг шахсий манфаатдорлиги асосида қурилган бирорта ҳам бозор иқтисодиёти субъектлари буларсиз ривожлана олмайди.

Иқтисодиётнинг умумий тараққиётини таъминлаш ва товарлар, хизматлар етишмовчилигини бартараф этишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик катта ўрин тутади. Меҳнат ресурслари тез ўсаётган ва

ишлаб чиқариш жойлашувидаги ўзига хослик шароитларида Ўзбекистонда, хусусан, вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тизимини вужудга келтириш қуйидаги имкониятларни яратади:

-Эркин меҳнат ресурсларининг, янги хўжалик муносабатларининг жорий этилиши, янги мулкчилик шаклларининг пайдо бўлиши натижасида ишлаб чиқаришда бўшатиладиган шахсларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришга кўпроқ жалб этиш, мулкчиликнинг янги шакллари пайдо бўлиши;

-Аҳолининг, биринчи навбатда ёшларнинг, моддий, маънавий ва касб даражасини кўтариш;

-Аҳолининг суғурув ҳаракатчанлигини ҳисобга олган ҳолда, саноат ишлаб чиқаришини аҳоли яшайдиган жойларга яқинлаштириш ҳамда аҳолининг халқ истеъмоли молларига бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш;

-Миллий ва бадиий ҳунармандчиликни тиклаш, шунингдек, кичик ва ўрта шаҳарларни, қишлоқ аҳоли пунктларини ривожлантиришга ёрдам кўрсатиш, умуман, ҳар бир минтақа учун ғоят муҳим бўлган иқтисодиёт самарадорлигини ошириш.

Хулоса қилиб айтганда ҳудуд тузилмасини такомиллаштиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин::

-давлат томондан кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Дастурини амалга ошириш;

-кичик тадбиркорликни ривожлантиришни давлат томонидан назоратга олиш ва қўмаклашиш, шу жумладан давлаторганлари томонидан тадбиркорлик тузилмалари фаолиятига асоссиз аралашувларни бартараф этиш тузилмасини яхшилаш;

-кичик тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш инфратузилмаларининг шакллантирилишида қўмак бериш;

- кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ташкил этиш борасида ахборот, маслаҳат ва молиявий ёрдам кўрсатиш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун кадрлар, маҳаллий бошқарув органлари учун мутахассис тайёрлашга кўмаклашиш;
- тадбиркорлик субъектларини солиққа тортишни такомиллаштириш;
- тадбиркорлик субъектларининг экспорт қобилиятини такомиллаштириш;
- тадбиркорликнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашда халқаро тижорат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишдан иборат.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, «Ўзбекистон», 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида»ги қонуни. 1995 йил 21 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2005 йил 14 июндаги ПФ-3618-сонли Фармони. Хабарнома журнали, 2005 йил, 2-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2005 йил 14 июндаги ПФ-3619-сонли Фармони. Хабарнома журнали, 2005 йил, 2-сон.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2005 йил 20 июндаги ПФ 3620- сонли Фармони. Хабарнома журнали, 2005 йил, 2-сон.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2005 йил 5 октябрдаги ПФ-3665-сонли Фармони. Хабарнома журнали, 2005 йил, 2-сон.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2006 йил 5 январдаги Фармони. // Халқ сўзи газетаси, 2006 йил 6 январь.

8. И.А.Каримов. Биздан озод ва обод ватан қолсин.2-жилд, Т, «Ўзбекистон»,1996. -98 б.
9. И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш-давр талаби. 5-жилд, Т, «Ўзбекистон»,1996. -45 б.
10. И.А.Каримов. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.Т., "Ўзбекистон", 1997.
11. И.А.Каримов Ўзбекистон буюк келажак сари.Т., "Ўзбекистон",1998.
12. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
13. Каримов И.А. 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” маърузаси // Халқ сўзи, 2011 йил 22 январ.
14. Абдуллаев Ё.А. , Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари: 100 саволга 100 жавоб. Т, «Меҳнат», 2000. -202 б
15. Абдуллаев Б. Кичик бизнесни бошқариш.Т., Молия, 2002. -156 б.
16. Абдуллаев Ё, . Шарифхўжаев М. Менежмент.Т."Меҳнат", 2003. -45 б.
17. Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В. Ўзбекистон – иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги ва юксак босқичи йўлида: Ўқув қўлланма. – Т.: «Иқтисодиёт» нашр, 2008. – 128 б.
18. Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В. Ўзбекистонда иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш: натижалар ва устувор йўналишлар: Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2007. – 102 б.
19. Беркинов Б.Б., Айнақулов М.А. Кичик тадбиркорлик корхоналарининг йирик корхоналар билан ишлаб чиқариш кооперацияси. Жиззах, 2004.-66 б.

20. Бекмуродов А.Ш., Сатторов С., Тўраев Ж., Солиев К., Рўзиев С. Ўзбекистон иқтисодиётни либераллаштириш йилларида. Кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожини – давр талаби. 3-қисм. –Т.: ТДИУ, 2005.
- 21.Тўхлиев Н. Ўзбекистон иқтисодиёти.-Т.: Ўқитувчи. 1994. 35 б.
- 22.Тўхлиев Н. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти.-Т.: Ўзбекистон. 2000. 305 б.
- 23.Тухлиев Н., Таксанов А. Национальная экономическая модель Узбекистана.-Т.: Ўқитувчи. 2000. 368 с.
- 24.Ходиев Б.Ю., А.Ш.Бекмуродов, У.В.Ғофуров, Б.К.Тухлиев Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишни йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.
- 25.Ходиев Б.Ю., Шодмонов Ш.Ш., Ғофуров У.В. Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва янгилашнинг илмий ва назарий асослари. Илмий-оммабоп рисола. – Т.: ТДИУ, 2008. – 57 б.
- 26.Холмўминов Ш.Р. Бозор иқтисодиёти ва аҳоли бандлиги.-Т.: Ўқитувчи. 1994. 55 б.
20. Хақимова М. Макроиқтисодиёт асослари.-Т.: Ўқитувчи. 1995. 34 б.
- 27.Shodmonov Sh.Sh., G'afurov U.V. Iqtisodiyot nazariyasi (darslik). – Т., «Fan va texnologiya» nashriyoti, 2005. – 784 б.
- 28.Шодмонов Ш.Ш., Ғофуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. Маърузалар матни. – Т.: «Фан ва технология» нашр, 2008. – 314 б.
- 29.Шодмонов Ш.Ш., Юсупов Р.А. Замонавий бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти. – Т.: ТДИУ, 2007.
- 30.Шодмонов Ш., Ғофуров У. Бозор иқтисодиёти асослари. Илмий-оммабоп нашр. – Т.: ТДИУ, 2007. – 75 б.
- 31.Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг тегишли йиллар бўйича статистик тўпламлари.

32. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. – Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2006. – 480 б.
33. Гуломов С.Ғ. Убайдуллаев Р. ва бошқалар. Мустақил Ўзбекистон.-Т.: Меҳнат. 1999. 88 б.
34. WWW. Europarl. org. uk.
35. WWW.UZ-первўй сайт Ўзбекистана-ресурсў Ўзбекистана.
36. WWW. Referat. Ru-Рефератлар тўплами.
37. WWW.gov.uz.-Ўзбекистон республикаси ҳукумати сайти.
38. www.biznes.ru
39. www.business.com
40. www.businessbuy.ru
41. www.businesspress.ru
42. www.gendirector.ru
43. www.list.ru
44. www.rambler.ru
45. www.pr.ru

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	4
1 Боб. Миллий иқтисодиёт тузилмасини такомиллаштиришнинг назарий асослари	10
1.1. Миллий иқтисодиёт тузилмаси ва ундаги чуқур ўзгаришларни амалга оширилиши.....	10
1.2. Миллий иқтисодиёт тузилмаси ва ундаги ўзгаришларни амалга оширилишида тадбиркорлик фаолиятини аҳамияти.....	19
1.3. Миллий иқтисодиёт тузилмаси ва унда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўналишлари.....	29
1.4. Мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларининг давом эттирилиши.....	36
2 Боб. Иқтисодиёт тузилмасини такомиллаштиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тутган ўрни ва аҳамияти.....	47
2.1. Бозор ислохотлари шароитида иқтисодиёт тузилмасини такомиллаштиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ўрни.....	47
2.2. Сирдарё вилояти иқтисодиёти тузилмасини такомиллаштиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни аҳамияти.....	52
2.3. Истиқболда иқтисодиёт тузилмасини такомиллаштиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўналишлари.....	59
Хулоса ва таклифлар.....	69
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	73
Иловалар.....	77
Мундарижа.....	